БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 3 (18.181). • 5 январь 1982 йил, сешанба Баҳоси 3 тийин.

СССР 60 ЗАФАРЛАРИМИЗ— ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА!

ХУШХАБАРЛАР

ҚИШКИ САБЗАВОТ

Охунбобоев номли совхознинг теплица хўжалигида етиштирилган помидор, бодринг, ош кўклари, лимон Андижон аҳолисининг байрам дастурхонини безади. Қишки полизда янги йил байрамига мўл ҳосил пишиб етилди. Савдо шахобчаларига йиллик пландан ташқари бир неча тонна теплица сабзавотлари жўнатилди.

Теплица хўжалигининг илғорларидан Мирзажон Раҳимов, Тожихон Камолова, Азизахон Исманова, Акбарали Ташлановлар ҳар бир квадрат метр ердан 10—13 килограмм сабзавот олдилар.

ТОКЗОРЛАР ВА БОҒЛАР УЧУН

Ургут районидаги «Ургут» совхозининг соҳибкорлари токзорлар майдонини кенгайтириш имкониятига эга бўлдилар. Бу ерда бир миллион куб метр ҳажмдаги сув омбори қурилиши ниҳоясига етказилди. 27 метр баландликдаги тоғли дарада «Самаркандводстрой» трестининг механизацилашган кўчма колоннаси барпо этган тўғон қад кўтарди. Баҳорда тоғдан оқиб тушадиган сел оқимлари ана шу сунъий денгизни сув билан тўлдиради. 600 гектар майдондаги тоғ ёнбағрида жойлашган ер обиҳаётдан баҳраманд бўлади.

Ургут районидаги яна бир сув омбори — Қоратепасой тўғони лойиҳадаги қувватга эришди. Бу ерда янги суғориш мавсумигача 19 миллион куб метр сув тўплаш мўлжалланмоқда. Бунча миқдордаги обиҳаёт билан Самарқанд ва Ургут районларидаги минглаб гектар боғ-роғлар, сабзавот майдонлари ва токзорларни суғориш мумкин бўлади.

КОМПЛЕКС ИШГА ТУШДИ

Ленин йўли районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида қорамолни сўқимга боқадиган эксперименталь комплекснинг иккинчи навбати фойдаланишга қабул қилиб олинди. Комплекс 4 мингта ғунажинга ва 6 мингта новвосга мўлжалланган бўлиб, кейинчалик ғунажинлар шу райондаги хўжаликларнинг сигирлари ёнига қўшилади. Бу ерда ҳар йили 2170 тонна мол гўшти тайёрланади.

Оғилхоналардан ташқари озуқа цехи, хлорелла етиштирадиган цех, ремонт устаҳоналари, қозонхона ва бошқа объектлар қурилди. Комплекс озуқа экинлари етиштириладиган суғорма ерларга ҳам эга.

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ҚИШЛОҚ УЧУН

Жарқўрғон силикальцит заводини реконструкция қилиш ниҳоясига етди. Бу ерда ишлар ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда олиб борилди. Цехлар ва полигонлар кенгайтирилди. Участкаларнинг ҳаммаси ғоят серунум механизм ва агрегатлар билан жиҳозланди. Бу эса турар-жой ва ишлаб чиқариш бинолари учун енгиллаштирилган конструкцияларни монтаж қилишга тахт бўлган комплектлар ишлаб чиқариш имконини берди. Корхонанинг реконструкция қилинганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш, Сурхондарё қишлоқларида объектлар қурилишини жадаллаштириш имконини берди.

Жиззахдаги темир-бетон буюмлар янги заводи ишга туширишга тайёр, Бектемир, Когон ва қишлоқ қурилиши саноатининг бошқа бир қанча корхоналарида бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилди. (ЎзТАГ).

СЎНГГИ СОАТДА

СТУДЕНТЛАР ҲИССАСИ

СОФИЯ. В. И. Ленин номли олий машина-электротехника институтининг студентлари ва ўқитувчилари ҳар йили юзлаб кашфиётлар билан мамлакат экономикасига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Булар Болгария Компартиясининг чақириғига биноан мамлакатда кенг авж олдирилган «илмфан — ишлаб чиқаришга» ҳаракатида актив иштирок этмоқдалар.

Сўнгги бир неча йил мобайнида институтда ишлаб чиқилган илмий ечимларни халқ хўжалигига жорий этишдан олинган иқтисодий самара 5 миллион левликдан ошиб кетди. Масалан, коллективнинг пўлатни азот билан бойитиш технологияси ва металл қирқиш станокларида деталларга юқори аниқликда ишлов бериш каби илмий ечимлари саноатда кенг қўлланилмоқда. Бу ечимлар халқаро Лейпциг ярмаркасида олтин медалга сазовор бўлди.

ВЬЕТНАМЛИК ЧЎЛҚУВАРЛАР

ХАНОЙ. Тугаган йилда кўнгилли чўлқуварлардан 160 мингдан кўпроқ йигит ва қизлар Вьетнамнинг шимоли ва жанубидаги аҳоли зич яшайдиган районлардан тоғли вилоятларга жўнаб кетди. Улар Вьетнам Коммунистик партияси қарорларини амалга оширабориб, уруш йилларида ташландиқ бўлиб қолган ерларни қишлоқ хўжалик майдонларига айлантирадилар, жуда катта майдондаги қўриқ ерни ўзлаштириб, янги иқтисодий районлар барпо этадилар.

Қисқа муддат ичида республика харитасида ўнлаб янги посёлкалар пайдо бўлди. Ўзлаштирилган минглаб гектар майдонларда давлат социалистик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари, кенг ирригация иншоотлари тармоғи барпо этилди, сабзавот ва техника экинлари майдони вужудга келтирилди.

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕР ГАЗАНДАЛАРГА ҲОМИЙЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 4 январь. (ТАСС). Рейган маъмурияти Флорида штатидаги махсус лагерларнинг ишларига очиқдан-очиқ йўл қўйиб бермоқда. Контрреволюцион газандаларнинг шайкалари бу лагерларда Никарагуа ва Кубага қурол кучи билан бостириб киришга ҳозирлик кўрмоқдалар. ЮПИ агентлигининг хабар беришича: Америка юристи Р. Бойер шу гапларни айтган.

АҚШ ҳукумати, деб таъкидлади у, бу лагерларни ёпиш учун ҳамма имкониятларга эга эди. Лекин у шундай қилмасликни афзал кўрди.

Агентликнинг уқтириб ўтишича, неча юзлаб ва ҳатто минглаб босмачилар Флорида лагерларида тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу лагерларни «Альфа—66», «Бригада—2506» ва шулар сингари террорчи ташкилотлар вужудга келтирган. Лагерларда жанг ҳаракатлари тактикаси, диверсия ва саботаж қилиш методлари ўргатилмоқда. Контрреволюционерлар, деб хабар берди агентлик, Куба, Никарагуа ва Панамадаги қонуний ҳукуматларни агдариб ташлашда қатнашиш учун тайёрланишаётганини яширимайдилар.

Америка матбуотининг хабарларидан маълум бўлишича, АҚШдаги жосуслик маҳкамалари контрреволюцион шайкалар билан актив алоқа боғлаганлар.

СССР ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

Тошкент трактор заводида СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигига бағишланган лекторий очилди. Оталиққа олган мактаблар ижтимоий фан ўқитувчилари, «Билим» жамияти завод секциясининг аъзолари цехларнинг қизил бурчакларида, ёшларнинг ётоқхоналарида совет халқларининг қардошларча дўстлиги ҳақида, КПСС ва Совет ҳукуматининг ленинча миллий сиёсати тўғрисида лекциялар ўқидилар.

Лекторий программасига мувофиқ, докладчилар коллективининг мамлакатдаги турдош корхоналар билан дўстона алоқалари ҳақида ва заводни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида лекциялар ўқийдилар.

Лекциялар бошланиши олдидан завод ҳаваскорлари киностудиясининг Ўрта Осиёда биринчи трактор заводининг вужудга келиш тарихини, тракторсозлар коллективида социалистик мусобақа авж олганлигини тасвирловчи фильмлари намойиш қилинади. Тракторсозлар коллективида СССРдаги ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари меҳнат қилмоқда. (ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК!

ЧЎПОН ЎРНИ ЯЙЛОВДА

Чорвадорлар, хусусан чўпон-чўлиқлар энг масъулиятли паллага кирдилар. Чорва қишлови қизғин давом этяпти. Узоқ-яқин яйловларда ёнингарчиликлар бўляпти, ҳарорат пасайиб, совуқ кучайяпти. Ем-хашак ташиш, қўй-қўзиларни суғориш аввалгига нисбатан анча қийинлашиб қолди. Бир сўз билан айтганда, чорвадорларимиз, хусусан яйлов баҳодирларининг иши анча мураккаблашди. Бундан кейин ҳам табиатдан ҳайри-эҳсон кутиб бўлмайди. Қиш қишлигини қиляпти. Шундай экан, чорвадорларимиз бугунги ютуқларни мустаҳкамлаб, яқин келажакда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни мардлик билан енгишга ҳамиша шай бўлиб турмоқлари лозим.

Яйловларнинг эгалари чўпон-чўлиқлардир. Биз яйловлардан нечоғли оқилона ва самарали фойдаласак, маҳсулотлар миқдори шунча кўпайтирилиб, сорти ва сифати яхшиланади. Чунки қўй-қўзилар, об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар, йилнинг тўрт фаслида ҳам асосан яйловларда боқилади. Яйловнинг ўзига хос қийинчиликлари ва машаққатлари бўлади. Уни мардлик билан енгиш, чорва моллар, хусусан қўй-қўзиларни кўз қорачиғидек асраб кўпайтириш барча чорвадорларимизнинг муқаддас бурчидир.

Бухоро областининг чорва яйловлари кенг. Варахша массивларидан Амударё соҳилларигача чўзилган. Ўртачўл яйловларида областнинг сон-саноқсиз қўй-қўзилари, қорамол, йилқи, туя ва паррандалари боқилади. Бу яйловлар саноатга қимматбаҳо хом ашё, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари армуғон этувчи маскандир. Бизнинг Свердлов номли давлат наслчилик заводимиз ҳам шу маскан бағрига жойлашган.

Ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йилида кўп қийинчиликларга дуч келишига қарамай давлатга 15.500 дона юқори сорт қорақўл тери етказиб берилди. 13 минг бошдан зиёд қўзи ўстиришга қолдирилди. Гўшт, жун тайёрлаш топшириқлари муваффақиятли адо этилди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, хўжалигимизнинг илк қадами қутлуғ келди. Чўпон-чўлиқларимизда келажакда қорақўйчиликни ривожлантириш, маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришга ишончи мустаҳкамлади.

1982 йилда ана шу ютуқларни тенгма-тенг кўпайтириш ниятидамиз. 24 минг бошдан зиёд совлиқ зоотехника қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда урчитилди. Кузатишлар шуни кўрсатяптики, қисир совлиқлар деярли қолмади. Галдаги вазифамиз совлиқларни яхши парваришлаш, қишнинг хавф-хатарларидан асраш, бола ташлашига асло йўл қўймасликдан иборат. Шуни унутмаслик керакки, бир бош совлиқнинг қўлдан бой берилиши келгусида камида уч бош туёқдан маҳрум бўлиш демакдир.

Бизларнинг отларимизда 500—600 тадан қўй бор. Уларнинг деярли ҳаммаси юқори семизликда. Лекин ҳар тўқисда бир нуқсон деганларидек, оз бўлсада нимжонроқ қўйлар ҳам учраб туради. Биз уларни ажратиб олиб, алоҳида озуқа рационида боқяпмиз.

Чорвачилик, айниқса қўйчиликда соғ кетидан қувиб сифатга зарар етказмаслик керак. Ёки аксинча, сифатни кўзлаб сонни эсдан чиқариш ярамайди. Ҳар икки кўрсаткич баравар юксалтирилганда кўзланган мақсадга эришилади. Совхозимизда бош зоотехник Қ. Қулиев бошчилигида жанговар штаб иш олиб боряпти. Ҳар бир отар ва ферманинг кунлик аҳволи, чўпон-чўлиқларнинг талаб ва эҳтиёжи штабга хабар қилиб турилади, шунга қараб оператив чоралар кўрилади.

Масалан, отарларнинг бирида бирор бош қўй касалликка чалинди ёки бирорта совлиққа тез зоотехника ёрдами кўрсатиш керак. Бу ҳақда хабар олиниши билан мутахассислар дарҳол отарга етиб келади, биринчи ёрдам кўрсатади. Ўша қўйлар шифоланиб отарга қўшиб юборилганга қадар қолидан хабар олиб турилади. Биз чиқимнинг барча каналларини бутунлай беркитиб ташладик. Бошқа чўпон-чўлиқлар ҳам шундай қилмоқлари керак. Чунки бизларнинг зиммамизга давлат мулки, халқ бойлиги — чорва моллари кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишдек шарафли вазифа юклатилган.

Қиш фаслида чўпон-чўлиқларимиз нималарга эътибор бермоқлари керак? Биз кўп йиллик тажрибага таяниб, шу хусусда ўз фикрларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Қўйлар, хусусан бўғоз совлиқларни кундуз кунлари ҳам, тунда ҳам кошарлардан унча узоқ бўлмаган яйловларда ўтлатиш керак. Ёнингарчилик ва қаттиқ совуқ кунлар ҳамда тунларда бундай қилиб бўлмайди. Гап шундаки, бўғоз совлиқлар кеча-кундуз юргизиб турилса, оёқларининг чигали ёзилади, қўзичоқлар соғлом туғилади ва дуркун ўсади.

Совлиқлар бир вақтда урчитилган бўлса-да, баъзилари қиш фаслида қўзилайди. Муддатидан эртароқ қўзилаб қўйган совлиқлар ҳам бўлади. Бундай кезда олинган қўзиларни тўла сақлаб қолиш чоралари кўрилмоғи даркор. Совлиқлар қўшимча ем-хашак билан боқилгани сингари, янги олинган қўзилар олдиндан тайёрлаб қўйилган майин, ширадик ва тўйимлик озуқа билан парваришланиши, туз, суяк уни ва бошқа дармон дорилар берилиши лозим. Совлиқларни қўзилатиш муддати яқинлашган сари чўпон-чўлиқларнинг назорати кучайтирилиши керак.

Чорвадорларимиз ем-хашакни кўп тайёрладилар. Ем-хашак нечоғли кўп бўлмасин, ундан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Биз, бош чўпонлар ўз отарларимизда ҳар бош қўй ҳисобига икки ярим-уч центнердан озуқа жамғарганмиз. Ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт фондимиз бор. Демак, қишловни соз ўтказамиз. Лекин ем-хашак сарфи устидан шахсан бош чўпонларнинг ўзлари назорат олиб борсинлар. Озуқа рационини ўзгартириш хусусида зоотехниклар, ветеринария врачлари ва бошқа мутахассислар бош қотиришлари лозим. Лекин ўшанда ҳам улар бош чўпонларнинг фикрини инобатга олишлари керак.

Қишлов — чорвадорлар учун синов! Ҳар йили партия ташкилотларимиз бошчилигида қиш синовидан муваффақиятли ўтиб келяпмиз, туёқ сонини кўпайтириб, маҳсулотлар миқдорини оширяпмиз 1982 йилда янада улканроқ ғалабаларга эришишни кўзлаяпмиз. Боқимимиздаги ҳар 100 бош совлиқдан 210 тадан соғлом қўзи оламиз, урғочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга сақлаб қоламиз, бир отардан камида икки отар қўй-қўзи бунёдга келтириш учун курашамиз ва бунга эришамиз.

Наим ҚАЛАНДАРОВ,
Ҳайрулла ИБОДОВ,
Ғани ФОЗИЛОВ,
Ўрин ТУРСУНОВ
Свердлов районидаги Свердлов номли давлат наслчилик заводининг бош чўпонлари.

ЧОРВАЧИЛИК ХОДИМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Замондошларимиз

ИБРАТ

Кеча республикамизда «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта»нинг тўққизинчи ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталикда республикамиз меҳнаткашлари чорвачилик ходимлари шарафига меҳнат вахтасига турдилар. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози меҳнатчилари ҳам ҳафталикда зарбдорларча ишламоқдалар.

Шу колхоз фермасининг илғор сут соғувчиси Жамила Асҳўжаева ҳалол меҳнати билан катта обрў қозонди. Ўз касбини севиши, сигирларни меҳр билан парвариш қилиши туфайли у доимо мажбуриятини ошириб бажармоқда. 1981 йил Жамила учун, айниқса қувончли бўлди. Ўз боқимидаги 20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 6576 килограммдан сут соғиб олишга эришди. Жамила пландаги 130 тонна ўрнига 130,5 тонна серқаймоқ сут соғиб, йиллик мажбуриятини ортиғи билан бажарди.

Хўжаликда Жамила Асҳўжаевадан ўрнак олиб, унинг тажрибасини ўзлаштириб ишлаётган соғувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Колхоз чорвадорлари ўтган йили давлатга сут сотиш планини ортиғи билан бажаришди. Ҳар бир сигирдан 5102 килограмм сут соғиб олинди. Бу йил эса хўжалик чорвадорларининг марраси янада юксак. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV Пленуми қарорларидан руҳланган меҳнат аҳли ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам зарбдорларча ишлашга аҳд қилдилар.

Суратда: пешқадам сут соғувчи Жамила Асҳўжаева.

А. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚА: ДАВР, ОДАМЛАР, ОДИМЛАР

МЕНИНГ РЕЗЕРВЛАРИМ

«Ўн бешлар ташаббуси» амалда

«Совет Ўзбекистони» газетасининг саволларига бугун Фарғона химиявий толалар заводининг калава ўровчиси Оксана Ивановна Похил жавоб беради.

1. Мажбуриятингизни қандай бажаряпсиз?

— Мен КПССнинг тарихий XXVI съездидан сўнг республикамиздаги ўн беш нафар илғор ишчи сафида туриб, зиммамга юксак социалистик мажбурият — бир беш йилликда ўн йиллик шахсий топшириқни бажариш мажбуриятини олганимда, маълум асосларга суянган эдим. Яъни, январь-февраль ойларидаги иш натижаларимни обдон ҳисоб-китоб қилиб чиқдим. Қарасам, планга қўшимча 13 тоннадан зиёд ацетат ипи ишлаб чиқарибман. Маҳсулотларнинг қарийб ҳаммаси биринчи сортларга топширилибди. Шунда мен, янада юксакроқ маррани дадил эгаллашим мумкин экан, деган қатъий хулосага келдим. Ҳозир ишларим ёмон эмас. Ҳамма нарса график асосида бормоқда. 100 тоннадан ортиқ калава тайёрлашга муваффақ бўлдим.

Энди икки оғиз ўзим ҳақимда. Мен Узоқ Шарқ — Сахалинда туғилиб ўсганман. Ҳунар билим юртида таълим олдим. Қоғоз қирқиш машиналари мастерининг ёрдамчиси ихтисосини эгалладим. Аммо нима учундир мени доимо тўқув дастгоҳлари ўзига чорларди. Эҳтимол, онамнинг моҳир каштачи бўлганлиги, унинг санъатини соатлаб кузатганлигим, у тўқиган кашталардан кўз узолмаганлигим сабаб бўлгандир. Хуллас, қўёшли Фарғонада тўқимачилик комбинати борлигини эшитиб, водийга келдим. Бахтим бор экан, менга гамхўр мураббий, Ленин орденли тўқувчи В. Рибинская устозлик қила бошлади.

Кўп ўтмай, бизга Қиргули массивидан квартира беришди. Натижада комбинат узоқлик қила бошлади. Шунда химиявий толалар заводига ишга кирса бўладику, деган фикр уйғонди. Бир томондан уйимиз яқин, иккинчидан эса, бу корхонадаги иш ҳам тўқимачилик комбинатникига ўхшаб кетарди. Шундай қилиб, турмуш ўртоғим Василий Григорьевич Мишченко билан шу заводга кирдик.

2. Эришаётган ютуқларингизнинг сири нимада?

— Фарғона химиявий толалар заводи нисбатан навқирон корхоналардан бири. Мен тўққиз йилдан бери шу корхонада тер тўкиб келмоқдаман. Шунинг учун ўзимни бемалол ветеран деб ҳисобласам бўлади. Бу ерда ҳам дастлаб калава ўровчи Т. Жилковадан касб маҳорати сирларини ўрганишга тўғри келди. Чунки, ҳар қандай янги жойда ҳамма нарсани бошидан бошлаш, ўша ернинг шарт-шароитларига мослашиш даркор.

Бизнинг ишимизда ихтиёрдаги машиналар яхшилаб созланган бўлиши, улар тўхтовсиз ҳаракатланиб туриши керак. Эрим Василий Мишченко ўз касбини севадиган, машиналарнинг «тили»ни яхши биладиган моҳир мутахассис. Биз у билан социалистик мусобақа ўйнаш, ҳар биримиз зиммамиздаги вазифани сидқидилдан ва виждонан бажариш тўғрисидаги шартномани тузганмиз. Бир неча йилдан бери мен дугоналарим: М. Абдуллажонова ва З. Шайхисломова уччаламиз 40 та машинада ишлаётган эдик. Бу — аслида беш кишининг нормаси. Бундай ютуқнинг омили нимада? Аввалло, мастер ёрдамчиси В. Мишченко билан ҳамкорликда машиналардан ёғнинг оқишини бартараф этишга муваффақ бўлдик. Камарини яхшилаб созладик. Дастгоҳлардаги қисмлар ейилишининг олдини олдик. Йиллар ўтган сайин тажрибанг ортиб борар экан. Меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш йўлларини қидириб қоларкансан. Мақтаниш эмас-у, бир қанча резервларни топгандайман. Шулардан биринчиси — ҳаракат маршрутининг энг мақбул вариантидир. Бунда мен машиналарнинг бир томонидан юрар эканман, узилган ипларни улаб бораман. Иккинчи томонидан қайтар эканман, бўшаб қолган ғалтакларни яна тўлдириб қўяман. Булардан ташқари, эксперименталь қилиш йўли билан исталган жараённи бажариш учун кетадиган вақтни иккі, ҳатто уч марта қисқартиришга эришдим. Энг муҳими, ўзимда бутун смена давомида бир хил маромда, аниқ суръат билан ишлаш кўникмасини тарбияладим. Албатта, ўн биринчи беш йилликдаги мажбуриятим ўнинчи беш йилликдагидан анча залворли. Шунинг учун йил ўрталарига бориб 16 та эмас, 20 та дастгоҳга хизмат кўрсатишга ўтишни машқ қилдим. Ҳа, қўлимдан келар экан. Бинойидек ишлаяпман.

3. Корховузингиздаги издошларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ҳар қандай ватанпарварлик ҳаракати, олижаноб ташаббуслар оммалашсагина, кўпчилик мулкига айлансагина қимматлидир. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида бир беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ ишчасий топшириқларни уддалаш ташаббуси билан чиққанимизда, минглаб кишилар изимиздан боришларига ишонган эдик. Амалда ҳам шундай бўляпти. Бунга корхонамиз ишчилари мисол бўла олади. Уларнинг кўпчилиги янги беш йилликнинг ҳар бир йилини, ҳар бир кунини энг юксак меҳнат унумдорлиги билан ишонлаш учун мусобақани кучайтирдилар. Калава ўровчиларидан Л. Попова ва Г. Волналар менга ўхшаб икки беш йиллик ҳажмида иш бажаришга сўз бердилар. Уч киши беш йиллик топшириқни уч-уч ярим йилда, 364 нафар ишчи эса тўрт—тўрт ярим йилда ўринлатиш мажбуриятини олди. Шуни қувонч билан маълум қиламанки, корхонамизнинг 150 нафардан зиёд ишчиси йиллик планни СССР Конституцияси куни — 7 октябрда, 281 киши эса 7 ноябрда адо этганлиги тўғрисида рапорт берди. Бу, катта ютуқ. Шундай эмасми?!

КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди иши тўғрисидаги стенографик ҳисоботни босиб чиқарди. Унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот доклади, съезд қатнашчиларининг нутқлари, делегатларнинг рўйхати, съезд сайлаган Ўзбекистон Компартиясининг раҳбар органлари, съезд номига келган табрикномалар ва рапортлар киритилган.

Ҳисобот кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

✦ ОЛМАОТА. Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Гулфайрус Исмоилова Абай номли Олмаота академик опера ва балет театри артистлари портретлари туркумини ниҳоясига етказмоқда. Бу расмлар танқили қозоқ рассомнинг кўплаб асарлари қўйилган театр музейини бойитмоқда. Музейда турли йилларда театр саҳнага қўйган спектакларга ишланган декорацияларнинг макетлари, тасвирий санъат асарлари қўйилган. Бу ерда рассомнинг «Қизжибек», «Бўтакўз» ва бошқа фильмлардаги либослар ишланган чизмаларини ҳам кўриш мумкин.

✦ СИМФЕРОПОЛЬ. Қрим областининг механизаторлари тупроққа ишлов берадиган ва экин экадиган агрегатларни ремонт қилишни тугалладилар. Тракторлар, дон йиғиштириб оладиган техника, экинларни суғорадиган машиналар пландагидан анча олдин ремонтдан чиқарилмоқда. Узел ва деталларни алмаштириб берадиган фонд ўз вақтида ташкил этилганлиги ишларнинг жадал суръатлар билан олиб борилишига кўмаклашди. Ремонт устаҳоналарининг кўпчилигида ишлар икки сменада ташкил этилган.

✦ ЯКУТСК. Якутия аҳолисини қаттиқ совуқ билан ҳайратда қолдиролмайсиз. Шундай бўлсада бугунги кунда ҳатто кексалар ҳам янги йил олдидаги бу сўнгги ҳафта ғоятда қаттиқ келганлигини айтмоқдалар. Кундузи температура минус 53 градусгача пасайган бўлса, тунда 57 градусгача тушиб кетди.

Қуёш нури қаттиқ совуқ вужудга келтирган қуюқ туман қатламини ёриб ўтолмаганлигидан кўпгина шаҳарлар ва посёлкалар тун қўйнида, кўчаларда чироқлар кечаю-кундуз ёниб турди, автомобиллар чироқларини ўчирмай юрди.

Совуқ Якутскдаги нормал иш маромини бузмади. Байкал-Амур магистрали зонаси учун юк ортган автомобиль карвонлари тўхтовсиз ўтиб турди. Шаҳарнинг ички тармоғи, алоқа, шаҳар транспорти тўхтовсиз ишлади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми суд органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси Ўрток Аполинария Леонидовна Горенкованн Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Наманган область Тўрақўрғон районидаги «Партия XXV съезди» колхозининг звено бошлиғи механизатор, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Роҳатой Ҳасанбоевна Алматова вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва ҳамда марҳумнинг қариндошлари ва ёр-биродарларига ҳамдардлик изҳор этади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

РАЙКОМ ҲИСОБ БЕРАДИ

Сурхондарё область партия комитетининг бюро мажлисида Бойсун район партия комитетининг ҳисоботи эшитилди. Райком экономика ва маданиятга партия раҳбарлиги даражасини оширишда жиддий ютуқларга эришган. У ўзининг кундалик фаолиятида меҳнат коллективларини КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартияси XX съездлари қарорларини, беш йиллик план ва мажбуриятларини бажаришга сафарбар этишга, ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтиришга катта эътибор бераётганлиги таъкидланди. Сўнгги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари асосий топшириқларни мунтазам бажаришга эришмоқдалар, савдо, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини яхшилаш бўйича дуруст ишлар амалга оширилмоқда. Халқ маорифини ривожлантириш, медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда сезиларли ютуқларга эришилди.

Район партия комитети хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда бошланғич партия ташкилотларининг ролини кучайтира бориб, барча меҳнаткашларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш, коммунистларнинг ишчанлик ва сиёсий активлигини оширишга катта аҳамият бермоқда. Ишлаб чиқариш илғорларидан 38 киши 1985 йилнинг охиригача икки беш йиллик планини бажаришга сўз берди. 50 бригада, бўлим ва цехлар, 800 ишчи тиғиз план асосида меҳнат қилаётир.

Қўйилган вазифаларни амалга оширишда совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ контроли органлари актив қатнашмоқда. Уларнинг фаолиятида конкретлилик кучайди, коллектив раҳбарлик принциплари тобора тўлароқ амалга оширилмоқда. Шу билан бирга район партия комитетига партия раҳбарлигининг форма ва методларини такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотларига талабчанликни кучайтириш бўйича зарур чоралар кўриш тавсия этилди. Корхона ва хўжалик раҳбарлари олдига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашё ва материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси қўйилди.

ЖАНГОВАРЛИК ОШИРИЛСИН

Пахтаобод район партия комитети КПСС XXVI съезди қарорини амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини кучайтириш, колхозлар, совхозлар ва саноат корхоналари партия ташкилотлари структурасини такомиллаштириш, коммунистларни ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларига қўйиш бўйича бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширди. Ў цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг фаолиятини чуқурроқ ўргана бошлади, уларнинг жанговарлигини кучайтириш, партиявий ишда ибратли тажрибаларни оммалаштиришга эътиборни кўпайтирди. Қуйи партия ташкилотлари ўз сафларида 1200 коммунистни уюштирган бўлиб, уларнинг асосий қисми жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Пахтаобод район партия комитетининг ҳисоботи эшитилган Андижон область партия комитети бюро мажлисида ана шу масалалар хусусида гап борди. Унда сўнгги йилларда цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группаси ташкилотчиларининг сифат состави яхшиланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу жиҳатдан 59-автокорхона, «Андижанирсовхозстрой» трестининг механизациялашган кўчма колоннаси, Ѳ-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннада иш олиб бораётган партия группаларининг фаолияти эътиборга сазовор. Уларнинг малакали ташкилотчилик ишлари туфайли ишлаб чиқариш коллективлари план топшириқларини муддатидан олдин адо этмоқдалар. «Гулистон» совхози, Еқубов номли, «Москва», «Коммуна» колхозларидаги цех партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг етилган масалаларини самарали ҳал этмоқдалар. Ғоявий-сиёсий ишлар изчил олиб борилмоқда, социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракати кучайтирилмоқда.

Область партия комитети шу билан бирга, район партия комитети цех партия ташкилотлари ва партия группалари жанговарлигини ошириш соҳасида айрим камчиликлар ва нуқсонлар ҳақида ўйлаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Бу камчиликларга барҳам бериш, қуйи ташкилотларнинг эътиборини КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга йўналтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ҳар томонлама яхшилаш, юксак натижаларга эришишда, барча резервлардан фойдаланишда уларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

ИШДА ОШКОРАЛИК УЧУН

Беруний район партия комитети район халқ контроли комитетининг қуйи ташкилотларга раҳбарлиги масаласини муҳокама қилиб, сўнгги йилларда унинг фаолиятида ишчанлик ва уюшқоқлик кучайганлигини таъкидлади. Халқ контроли группаларида постларнинг сифат состави сезиларли яхшиланди. Назоратчиларнинг 70 проценти коммунистлар ва комсомоллар бўлиб, деярли барча халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассисларидир.

Район халқ контроли комитети, бош группалари ва постлари фаолиятига оид масалалар, уларга партия раҳбарлигининг аҳволи партия активи йиғилишлари, район партия комитети бюро мажлисларида муҳокама қилинади. Группа ва постларнинг раҳбарлари мунтазам равишда бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ҳисоб бериб турадилар.

Кейинги вақтда район халқ контроли комитети ва бош группаларнинг штатсиз активларига эътибор сезиларли кучайди. Улар учун ўқув, семинар машғулотлари ташкил қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси текширишларнинг самарадорлигини ошириш, камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда.

Аммо халқ назоратчиларининг фаолияти ҳар доим ҳам КПСС XXVI съезди томонидан қўйилган талаблар даражасида бўлаётир деб айтиш қийин. Уларнинг фаолиятида тоҳо конкретлилик, талабчанлик, қатъиятлилик етишмаётир. Баъзан текширишлар учун олинаётган масалалар доираси тор, чегараланган бўлмоқда. Назоратчиларнинг фаолиятида кенг ошкоралик етишмаётир.

Район халқ контроли комитетига бу камчиликларни тузатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш таклиф қилинди, иш самарадорлигини ошириш йўл-йўриқлари кўрсатилди.

МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

МУВАҚҚАТ БОЗОРЛАР

Байрамлар муносабати билан Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги майдончага сабзавот ва қуруқ мевалар сотадиган дўкончалар қурилади. Бу дўкончаларда турли областлардан келтирилган мева-сабзавотлар сотилади. Бу — яхши одат. Аммо байрам ўтиши билан дўкончалар бузилиб, йиғиштирилади. 8 Март, 1 Май ва бошқа байрамларда бу дўкончалар яна қурилади, область савдо тармоқларидан яна мева-сабзавот моллари келтириб сотилади. Байрам ўтиши билан дўкончалар яна бузилади.

Кузатиб юраман, бир йилда бу жойда 3—4 марта дўкончалар қурилади, яна бузилади.

Бу қуриб-бузишларга давлатнинг қанча маблағи сарф бўлар экан? Шунча маблағнинг бекорга сарф бўлаётганига ачинасан киши.

Бизнинг фикримизча, ярмаркаларга келтирилган мева-сабзавот ва бошқа моллар то сотилиб бўлгунча савдо давом этиши керак.

Моллари тамом бўлган савдо ташкилотлари кетиши билан оқ бу жойга ва бошқа ярмаркаларга Тошкент областидаги сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларни ва Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қаралиб хўжаликларни галма-галдан биркитиб қўйиш керак. Токи бу ярмаркаларда йил бўйи сабзавот-мевалар сотиб турилиши таъминлансин.

Ҳар бир бозорда, ҳар бир ярмаркада сабзавотчилик-мевачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ўз дўконлари бўлишини истардик.

А. НАБИХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи муҳбири.

ДАСТЛАБКИ ЗАФАРЛАР

СУТ СОҒУВЧИНИНГ МАҲОРАТИ

Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли совхоз суттовар фермасининг коллективи янги йилни яхши бошлади. Янги йил арафасида куннинг совиб кетишига қарамасдан сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг миқдори камаймади. Фермaнинг илғор сут соғувчиси С. Бўронова бу ишда яхши ўрнак кўрсатди. Унинг боқимидаги сигирларнинг ҳар бири бир кеча-кундузда ўртача 12—13 килограммдан сут берди. Илғор сут соғувчининг дугоналари ҳам бу соҳада ундан қолишмадилар.

Ўтган йили С. Бўронова сигирлар маҳсулдорлигини анча оширишга эришди. У ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олди. Бу эса пландагидан 500 килограмм кўпдир.

Бу йил илғор сут соғувчи ҳар бош сигирдан 4,5 минг килограммдан сут соғиб олишга қарор қилди.

ЯНГИ ЦЕХЛАР

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда янги озуқа цехи ишга туширилди. Цех бир соат мобайнида 7 тонна озуқа аралашмаси тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда барча иш жараёнлари механизациялаштирилган. Озуқа цехи 1600 бошдан кўпроқ қорамол боқиладиган ферма эҳтиёжларини тўла таъминлай олади. Шу билан бирга унинг маҳсулотининг бир қисми қўшни чорвачилик хўжаликларига ҳам етказиб берилади.

Бу йил Қўшкўпир районидаги Калинин номли ҳамда Янгибозор районидаги Куйбишев номли колхозларининг чорвачилик комплексларида ҳам ана шундай озуқа цехлари қуриш мўлжалланган.

ЕШЛАР ИБРАТИ

Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхознинг суттовар фермаси коллективи янги йилнинг дастлабки кунидан бошлаб сигирлардан кўплаб сут соғиб олишга эришмоқда. Улар куннинг совиб кетишига қарамай, ўз боқимларидаги сигирларни яхши парваришлаб, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Фермaнинг илғор сут соғувчиси Фароғат Хожиева бошлиқ бригада айниқса катта ютуққа эришди. Ҳар бир сигирдан кунига 15 килограммгача сут соғиб олмоқда.

Бу коллектив беш йиллигининг дастлабки йилида ҳам катта ютуқларни қўлга киритган эди. Бригадага уюшган барча ёш сут соғувчилар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариб, ваъдада белгиланганидан бир неча юз килограммдан кўпроқ сут соғиб бердилар. Бу соҳада бригада бошлиғининг ўзи яхши намуна кўрсатди. У ҳар бир сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олди.

АЛОҚАЧИЛАР ТОРТИҒИ

Наманган областининг тоғ этакларига жойлашган Каркидон қишлоғида 500 номерга мўлжалланган автомат телефон станция ишлай бошлади. Эндиликда Чуст райони қишлоқларидагина эмас, балки ундан узоқроқ масофаларда истиқомат қилувчи кишилар билан телефон орқали тез-тез алоқа қилиб туриш мумкин бўлди. Шу билан бирга минг-та оила учун қишлоқ радиоузели ҳам фойдаланишга топширилди. Бу эса алоқачиларнинг қишлоқ меҳнаткашларига янги йил тортиғидир.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталиқ!» Чирчиқ трансформатор заводи коллективининг меҳнат шиори шундай. Корхонада тайёрланган подстанциялар, электр приборлари, трансформаторлар бугунги кунда мамлакатимизнинг КамАЗ, «Атоммаш» синғари йирик қурилишларда муваффақиятли ишлаб турибди. Шунингдек, корхона маҳсулотлари Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган Венгрия, Монголия, Болгария, Куба синғари мамлакатларга ҳам пешма-пеш жўнатилмоқда.

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси, Коммунистик меҳнат зарбдори Бахтигул Тиллаева.

А. Усмонов, Р. Шамсуддинов фотоси.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«КПСС XXVI съезди ва ижтимоий фанлар кафедраларининг вазифалари» номли тўплам нашр қилинди. Тўпламда олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг 1981 йил 14—16 октябрда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши ҳужжатлари эълон қилинган. Китобда коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва илмий тадқиқотлар, таълим процессини такомиллаштириш ва ёшларни тарбиялаш савиясини ошириш соҳасида партия съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат банки системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан давлат банки Ўзбекистон республика конторасининг бошқарма бошлиғи ўрток Наталья Петровна Пруссга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат банки системасида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан давлат банки Ўзбекистон республика конторасининг кадрлар бошқармаси бошлиғи ўрток Комилжон Деҳқонбоевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Ленинобод район комитетининг биринчи секретари ўрток Ёқуб Раҳимович Қурбоновни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТЕЖАЛГАНИ—ЭЛ БОЙЛИГИ

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Маълумки, жонажон партиямиз XXVI съезди қурилиш ишлаб чиқариши меҳнатчилари олдига ҳам улкан вазифалар қўйган. Янги техника негизида мамлакат ишлаб чиқариш потенциалини жадаллаштириш асосий масалалардан биридир. Ватанимиз халқ хўжалигининг бу муҳим тармоғида юксак самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан лойиҳаларнинг пишиқ-пухталигига, ўзида энг янги ва илғор ечимларни қамраб олганлигига ва тежамлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам лойиҳа-смета ишларини доимий равишда яхшилаш ҳамда такомиллаштириш зарур. Бунда фан-техника тараққиёти ютуқларини, Ватанимизда ва чет элларда тўпланган бой тажрибаларни кенг қўлланиш мақсадга мувофиқдир. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг лойиҳа-смета ишларини янада яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмалари ҳам шу масалага қаратилган. Қурилиш самарадорлигини ошириш, моддий-техника ресурслари ва меҳнат сарфини тежаш, планлаштириш, архитектура ва бинокорлик ечимлари сифатини яхшилаш, иш таннархини камайтириш, фойдаланишга топшириладиган бирлик ҳисобига капитал маблағлар салмоғини қисқартириш, ер ва бошқа табиий ресурслар, ёнилғи, ёқилғи ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш учун курашга эксперт ташкилотлари ҳам катта ҳисса қўшишлари мумкин. Министрлик ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари олдига эксперт бўлинмалари самарадорлигини ўстириш, уларни юқори малакали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш талаби қўйилмоқда. Бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, Ўрта Осиё Закавказье республикалари ва Қозоғистон Қурилиш ишлари давлат комитетлари 1976—1980 йиллар мобайнида экспертизага тақдим этилган 5700 та лойиҳани кўриб чиқдилар. Уларда қурилишларнинг лойиҳа қиймати 10 миллиард сўмга ошириб белгиланганлиги маълум бўлди. Бир қанча министрлик ва идоралар, халқ депутатлари шаҳар ва область ижроия комитетлари томонидан тасдиқланган 1036 та лойиҳа танлаш йўли билан кўрилди. Шулардан 1513 таси республикамиз эксперт ташкилотлари улушига тўғри келади. Уларда қурилиш қиймати 2,5 миллиард сўмлик ортиқ кўрсатилган экан. Лойиҳаларнинг эксперт ташкилотларида муҳокама қилинаётганлиги қурилишда техника сиёсатини амалга ошириш, шаҳарлар, шаҳар типидаги поселкалар, колхоз ва совхоз поселкаларининг марказларини планлаштириш ва қуриш ишларини янада яхшилаш имконини бермоқда. Шунингдек, кўплаб моддий-техника ресурслари: 35 минг тонна металл, 30 минг тонна қувур тежаб қолинди. Энг муҳими, 400 гектар суғориладиган ерни асраб қолишга эришилди.

Шаҳарсозлик ечимларининг умумий даражаси кўтарилди. Тошкент, Навоий, Жиззах, Урганч шаҳарлари марказларини қуриш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Миллий ва монументал-манзарали санъат элементларидан кенг фойдаланилган ҳолда шаҳар ансамбларини шакллантиришнинг комплекс архитектураси кўзланганидек рўёбга чиқарилмоқда. Бунга Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги, Жиззах ва Бухородаги В. И. Ленин номли, Самарқанддаги Миршаропов номли майдонлар, Урганчнинг жамоат маркази ва Нукуснинг театр майдони бунёд этилганлиги яққол мисолдир. Бир қатор йирик объектлар ва комплекслар барпо қилиндики, улар мутахассислар ва жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги саройи, авиасозларнинг техника ва маданият саройи, Жиззах, Урганч ва Нукусдаги театрлар, Андижондаги темир йўл вокзали шулар жумласидандир. Яхшилаб экспертизадан ўтказилган лойиҳалар асосида республикамизда 12 та тажриба-намуна поселкаси қурилаяпти. Буларнинг ҳаммасида ва бошқа ютуқларда, шубҳасиз, лойиҳаларнинг замонавий талабларга жавоб бериши учун ғамхўрлик қилаётган эксперт ташкилотларининг роли катта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экспертизани ўтказиш лойиҳалаш ва қурилиш ишлари кўламини борган сари ошиб бораётган бир пайтда амалга оширилмоқда. Чунончи, биргина ўнинчи беш йиллигинг ўзида Ўзбекистонда қарийб 25 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. 70 дан зиёд йирик саноат корхонаси ва қувватлар ишга туширилди. Меҳнаткашлар 27 миллион квадрат-метр шинам уй-жой бинолари, 800 минг ўқувчи таълим оладиган мактаблар, 230 минг нафар кичкинтой тарбияланадиган мактабгача болалар муассасалари, 26,8 минг ўринли касалхоналар ва бошқа кўплаб объектларни олдилар.

Бугунги кунда лойиҳалаш ишларида планлаштирилган ҳажмли, конструкцияли ва технология ечимларига эга узелларни унификациялаш негизида лойиҳа ечимларини типиклаштириш асосий йўналишга айланди. Қурилиш амалиётида типовой лойиҳалардан кенг фойдаланиш вазифаси олга сурилмоқда. Табиийки, уларни лойиҳалашда нормани бузиш ҳоллари йўқми, планлаштириш ва архитектура-қурилиш ечимлари тўғри белгиланганми, таклиф этилаётган конструкциялар, материал ва буюмлар самарали ҳамда тежамлими, бу саволларга жавоб топиш керак. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма жойда ҳам бу талабларга тўла-тўкис риоя қилинаётгани йўқ. Мисол учун Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитетининг экспертиза бошқармаси ўнинчи беш йилликда кўп миқдордаги типовой лойиҳаларни кўриб чиқди ва уларнинг 42 процентини қайтадан ишлашга жўнатди. Характерли бир воқеани келтирайлик. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги Сурхондарёдаги айрим автомобиль йўлларининг техникавий лойиҳасини тасдиқлади. Хўш, натижада нима бўлди? Лойиҳада кўплаб хатога йўл қўйилган экан. Аввало, у тўта-тўкис ишлаб чиқилмаган. Лойиҳада техникавий-иқтисодий қисм, қурилиш учун ерлар ажратиш графиги, мавжуд ирригация тармоқларини қайта қуришнинг ҳисоб-китоби йўқ. Республика Маҳаллий саноат министрлиги тасдиқлаган Бойсун шоҳи тўқиш фабрикаси лойиҳасида ҳам бундай камчиликлар кўплаб топилди.

Умуман олганда, эса республикамизда лойиҳалаш сифати яхшиланиб бормоқда. Тошкентдаги уй-жойлар ва жамоат биноларини типовой ва экспериментал лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот зонал экспериментал институти (ТашЗНИИЭП) бажараётган ишлар шундан далолат беряпти. Хусусан, яқинда республика Қурилиш ишлари давлат комитети шу институтда яратилган 1568 ўқувчи таълим оладиган мактаб лойиҳасини юқори баҳолади ва қуришга тавсия этди. Бу мактабнинг ўзига хослиги шундаки, унда ҳамма иш болаларнинг спорт билан мукаммал шуғулланишларига бўйсундирилади. Лойиҳада спортнинг сузишгача бўлган ҳар хил турлари билан машғулот ўтказиладиган катта спорт зали кўзда тутилган. «Узгипросельстрой» институти коллективида ишлаб чиқилган, қишлоқ жойларда қурилиши лозим 784 ўринли умумтаълим мактаби лойиҳаси ҳақида ҳам шундай илиқ гаплар айтиш мумкин. ТашЗНИИЭП мутахассислари таклиф этган 16 қаватли йирик панелли, ёпиқ устунли уй-жой лойиҳасидаги самарали конструктив ечимлар диққатни ўзига тортади.

Муваффақиятлар салмоқли, аммо вазифалар янада улканроқ. Уй-жой ва граждан объектларини, саноат корхоналари ва узелларини, қурилишларнинг техникавий-иқтисодий асослари лойиҳаларининг сифатини бундан ҳам яхшилаш зарур ва шарт. Бунинг учун эксперт ташкилотлари фаолиятини яхшилаб бориш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, эксперт хулосалари даражасини ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган кишиларга нисбатан ниҳоятда қаттиққўл бўлиш, экспертиз ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш даркор. Афсуски, ҳамма жойда ҳам эксперт ташкилотлари капитал қурилиш мажбуриятлари талаб қилган савияда ишлаяпти, дейиш қийин. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Капитал қурилиш Бош бошқармаси таркибида бор-йўғи битта инженер-эксперт мавжудлигини қандай баҳолаш мумкин? У минг уринмасин, ҳамма лойиҳаларни экспертдан ўтказиш имконига эга эмас.

Ҳа, эксперт ташкилотлари қурилишларни энг замонавий, пишиқ-пухта ва самарали, тежамли лойиҳалар билан таъминлашга даъват этилган. Уларни қўллаб-қувватлаш, ёрдамлашиш ҳаммамизнинг бурчи.

Ҳ. НОСИРОВ.
Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети раисининг ўринбосари.

Тадқиқотчи билан ёнма-ён

МАШИНА ТАРЖИМОНЛИК ҚИЛАДИ

Инженерлик лингвистикаси ҳали фандаги навқирон соҳа. У асосан табиий ва техника фанлари алоқасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тилшунос олимлар электрон-ҳисоблаш машиналарини ёрдамга чақириб, илмий-техника ахборотларини оператив равишда қабул қилиш, ўн мингдаб, юз мингдаб қузатувлар, тадқиқотларни осонликча олиб бориш йўлини қидирмоқдалар. Дарҳақиқат бугунги кунда ЭҲМлар илмий-техника ахборотларини қабул қилиб, уни ўқимоқда, таҳлил этиб, аниқ системага солмоқда. Бу, шубҳасиз, вақтдан ютиш учун чексиз имконият яратади. Битта машина ўнлаб рефератлар, библиографлар, таржимонлар машаққат билан бажарадиган юмушни қисқа вақт ичида, осонгина ҳал қилиб бериши мумкин. Аммо бу ўринда лингвистлар олдида жуда жиддий масала туради: улар аввало таржимонликни бўйнига оладиган машинани бу қийин жараёнга тайёрлашлари, яъни турли тилларга ўргатишлари лозим. Мазкур муаммо устида лингвистлар, математиклар, кибернетик олимлар ва бошқа касбдаги мутахассислар, олий ўқув юртлари, ҳисоблаш марказлари, илмий-тадқиқот институтлари коллективларини бирлаштирган Бутуниттифоқ «Нутқ статистикаси» илмий группаси кенг кўламда изланишлар олиб бормоқда. Самарқанд давлат университети инженерлик лингвистикаси лабораторияси ана шу группа эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бундан бир йил аввал Алишер Навоий номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд давлат университети чет тиллар факультети қошида инженерлик лингвистикаси лабораторияси очилди. Ҳозир Ўрта Осиёда ягона ҳисоблаш мазкур лабораторияни ишга туширишга, мураккаб восталар билан жиҳозлашда филология фанлари кандидати Ҳамдам Ориқулов ташаббускор бўлган эди.

Ҳ. Ориқулов шу университетнинг собиқ талабаси. Узоқ йиллар чет элларда таржимонлик қилди. Турли тилларни билувчи автомат машина — компьютер ҳақида кўп таплар эшитди, бу сирли машинага қизиқиб қолди. Ленинград педагогика институти инженерлик лингвистикаси лабораториясини бошқараётган профессор Р. Г. Пиотровский билан яқиндан танишди. Тилшуносник ва машина таржимаси назарияси бўйича мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур олим Ҳамдам Ориқуловга зарур ва қимматли маслаҳатлар берди.

Янги лабораторияни ташкил этиш, унинг техник базасини яратиш осон бўлмади. Ҳ. Ориқулов марказий шаҳарлардаги ҳисоблаш марказлари, лабораториялар билан алоқа боғлади. Қозондаги электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарувчи завод билан ҳамкорлик қилди. Кўп ўтмай тўрт йилга мўлжаллаб, хўжалик ҳисобида 100 минг сўмлик шартнома тузилди.

Лаборатория коллективи зарур машина-ускуналар билан жиҳозланиши ҳамоноқ дастлабки буюртмани олди. Самарқандлик лингвист олимларга инглизчадан русчага таржима қилувчи автоматлаштирилган техник система ҳамда ҳисоблаш машинаси учун адабиётлар яратиш топширилди. Ҳозир лабораторияда Ҳ. Ориқулов раҳбарлигида бу вазифаларни ҳал қилиш учун самарали ишлар олиб борилаяпти.

Тажрибали олим, илмий ходимлар ва лаборантлар кўмагида телетайп машиналари ишини синчковлик билан кузатади. Сўзлар юпқа қоғозга ёзила боради. Тадқиқотчи аппаратнинг алоҳида клавишини босиши билан сўзлар бошқа тилга ағдарилади. Машина текстни ўқийди, унда учрайдиган ҳар бир сўз частотасини белгилайди ҳамда уни таржима қилади. Лаборатория ходимлари эса компьютер учун ажратилган сўзларнинг энг кўп ишлатиладиганларини, ҳисоблаш машинаси учун мўлжалланган адабиётга зарур бўлганларини танлаяпти. Ана шу танланган сўзлар ЭҲМ учун инглизча-русча луғатга киритилади.

Келгусида ишончли гидтаржимон — микрокомпьютерлар учун луғат тайёрлаш устида илмий изланишлар олиб борилади. Кўп тилларни биладиган бундай аппарат меҳмонлар, туристларга жуда асқотади. Улар ҳеч қандай гид-таржимонсиз саёҳатга чиқишлари, ўша аппарат ёрдамида бирор шаҳар ёки ўлканинг диққатга сазовор жойлари ҳақида истаганларича, маълумот олишлари мумкин. Бундай микрокомпьютерни Минск чет тиллар педагогика институти нутқ статистикаси лабораторияси олимлари львовлик киберниетиклар билан ҳамкорлиқда яратишмоқда. Самарқандлик лингвистлар эса бу митти, аммо қудратли машина учун етарли миқдорда сўз бойлигига эга бўлган луғат-диалог тайёрлаб беришади. Шу мақсадда лаборатория ходимлари француз тилини ўрганувчилар учун Парижда босилган қўлланманинг қисқача мазмунини тайёрлашади. Китобдан кўпроқ жойли сўзлашувда ишлатиладиган лексик бирликлар ажратиб олинади, кейин уларнинг рус тилидаги эквиваленталари топилади. Тайёрланган луғат-диалог электрон машина хотирасида сақланади.

Инженерлик лингвистикаси лабораторияси факультетда ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда ҳам етакчи роль ўйнамоқда. Студентлар ЭҲМ ва бошқа техника воситалари ёрдамида чет тиллар сирларини осон эгаллашмоқда. ЭҲМ илмий адабиётларни ўқиш, тадқиқ этиш, турли тилларнинг илғари тилшунос олимлар учун пиҳ бўлган янги-янги қирраларини очиш, луғатларни бойитиш, зарур қўлланмалар яратиш имконини бермоқда.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ИЖРОСИЗ ПЛАНЛАР»

Газетамизнинг 1981 йил 16 октябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Урганч пиво-консерва ва суттёғ заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турлари планлари бажарилмаётганлиги ва йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар танқид қилинган эди. Редакциямиз ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон матбуот жамиятлари республика союзи — «Ўзбекбирлашув»дан ва корхоналар маъмуриятидан жавоблар олди.

Ўзбекистон матбуот жамиятлари республика союзи «Ўзбекбирлашув» маъмурияти:

Урганч пиво-консерва заводи адресига айтилган танқидий фикрлар тўғри. Чиндан ҳам корхонада меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, технологик ускуналарнинг мавсумга сифатсиз тайёрланганлиги оқибатида йилнинг тўққиз ойлик топшириқлари айрим тур маҳсулотлар бўйича бажарилмай қолган. Бунга мева маҳсулотларининг кеч пишиб етилиши, таъминот-сотув органлари томонидан фондларнинг тўлиқ ажратилмаганлиги, шиша идишлар, яшиклар, порошоклар синғари турли хил компонентларнинг етишмаслиги ва айрим ресурсларнинг бирмунча чеклаб қўйилганлиги ҳам сабаб бўлган.

Ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш, йиллик планларнинг барвақт бажарилишини таъминлаш, мавжуд камчиликларни тугатиш учун корхонага амалий ёрдам уюштирилди. Қўшимча компрессор, хом ашё ва материал фондлари ажратилди.

Урганч пиво-консерва заводи маъмурияти:

Мақола корхона ишчи-хизматчилари ўртасида кенг муҳокама қилинди. Йўл қўйилган камчиликлар очиқ партия йиғилишида кўриб чиқилди ва ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Урганч сут-ёғ заводи маъмурияти:

Мақола республика Гўшт-сут саноати министрлиги вакили иштирокида корхона ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинди. Заводни янги мавсумга тайёрлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, цехларда санитария аҳволини нормаллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар тасдиқланди. Барча ўлчов асбоблари давлат назоратидан ўтказилди. Такрорий ҳом ашёдан фойдаланишга жиддий эътибор берилди. Маҳсулот сифатини бошқариш, комплекс системаси жорий этилди. Цехлар ва бригадаларарo ташкил этилган социалистик мусобақага ошкоралик, таъсирчанлик ва натижаларни қиёслаш принципи асосида ёндашиш чоралари кўрилди. Илғор коллективларга топшириш учун кўчма Қизил байроқ, вимпел, пул мукофотлари таъсис этилди. Санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилиш йўлида барча ускуналар ва қурилмаларнинг қисмларини тўла ажратиб ювиш, дезинфекциядан ўтказиш учун ҳафтада бир марта санитария куни жорий этилди.

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ДЕҲҚОН БАХТИ

Оддий пахтакор Тўланбой Халиловга СССР Давлат мукофоти берилди. Бу қувончли хабар менга Андижон область партия комитетининг секретари Исмоил Қурбоновнинг гапини эслатди. Обком секретари бундай деган эди:

— Москва районига йўлингиз тушиб қолса, «Правда» колхозига ўтиб, агроучастка бошлиғи Тўланбой Халилов билан суҳбатлашинг. У пахтанинг дардини бир қарашда биладиган деҳқонлардан. Тўланбой бўзликлар ташаббусига қўшилиб, Москва районида биринчи бўлиб ўз бригадасини агроучасткага айлантирди, унинг афзаллигини амалда исботлади.

Шундан кейин райондаги ҳар бир хўжаликда биттадан агроучасткa тузилди. Ўртоқ Халилов раҳбарлик қилаётган агроучасткa шийпонига ҳамманинг ҳаваси келади.

Обком секретарининг айтганича бор: Тўланбой пахтачилик илмини пухта билади. Пахта унга бахт келтирди, қўнглини ўзи ўйган «оқ олтин»тоғларидек сарбаланд қилди.

Унинг ҳаёт йўли бошқалар учун ҳам ибратли. У деҳқон оиласида туғилиб, камол топди, пахтазорда суяги қотди. Отаси Абдухалил акадан пахтани эъзозлаш, уни меҳр билан парвариш қилишни ўрганди. Ўрта мактабни битириб, ҳарбий хизматга борди. Армиядан келгач, шофёрлик қилди. Аввал бу иш унга осондай туюлди. Лекин қийин экан. Жуда эрта туриш, кеч қайтиш лозим. Тўланбой ҳаммасига бардош бериб, жон қуйдириб ишлади. Ҳар йили меҳнат отпускасини пахтазорда ўтказди. «Зангори кема» штурвалига ўтириб 100—150 тоннагача пахта терди.

Шундан сўнг тракторга — терим машинасига эътиқоди ортди. Бу истагини колхоз раиси Исмоил Низомовга айтди. Трактор беришди. Кузда ер ҳайдаш, баҳорда чигит экди, ёзда қатор ораларига ишлов берди. Терим маҳалида «зангори кема»ни бошқарди. Ҳалол ишлаб обрў қозонди, тажрибали деҳқонлар қатори юртга танилди.

1974 йилнинг кеч кузида Тўланбойни колхоз правленисига чақиришди.

— Йўқлаган экансиз, — деди у раиснинг хонасига кириб.

— Ҳа. Сизни қолоқ бригадага юбормоқчимиз.

Механизатор бир дақиқа иккиланиб қолди. Сўнгра раисга деди:

— Эплай оларманкан?

— Ёрдам берамиз.

Тўланбой Халилов қолоқ бригадага етакчилик қила бошлади. Бу ерда гектар бошига 23 центнердан ҳосил олинарди. Ёш коммунист зўр ғайрат билан ишга киришди. Бригаданинг пахта майдони парваришга муҳтож, ернинг бети қаттиқ, таги қум ва шағал эди. Янги бригадир ерни чуқур ҳайдаб, маҳаллий ўғит солдирди. Ишбилармон кишилар: Абдуқаюм Ҳидиров, Мўминжон Акбаров, кекса деҳқон Олим ота Абдураҳимов ва бошқалар қиш чилласида сув кечиб яхоб беришди.

Яхобнинг фойдаси катта бўлди. Бошқа бригадалар чигит суви беришаётганда Тўланбой бригадасида чигит тупроқнинг ўз намида униб чиқди. Соғлом ниҳоллар яхши ўсиб, тез ҳосилга кирди. Биринчи йилиёқ ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнерга етди.

Тўланбой Халилов матонат билан, мардона меҳнат қилди.

Бригаданинг экин майдони кенгайтирилиб қам ҳосилли қўшни бригадалар ҳисобига агроучасткa тузилди. Халилов бошлиқ агроучасткa коллективи бу йил 260 гектар ерга туксизлантирилган чигит экди. Ҳар бир уяга белгиланган миқдорда чигит ташланди. Шу ҳисобга 2600 сўм тежаб қолинди. Ягона ўтказилмади. Ғўза тез амал олди, пахта яхши етилди. Агроучасткa ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтарди. Ялпи ҳосилнинг 95 проценти машинада терилди. Машинада терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Даромад кўпайди.

Меҳнат қилган элда азиз, деб бекорга айтмаганлар. Машҳур пахтакорнинг ҳалол меҳнати юксак баҳоланди. Тўланбой Халиловга қўш-қўш медаллар, III даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени, СССР Давлат мукофоти берилди. Қишлоқ Советининг депутати Тўланбой Халилов Москва район партия конференциясида Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегатлигига сайланганди.

Тўланбой Халилов район партия комитетининг бюро аъзоси, актив жамоатчи сифатида ҳам ўзини кўрсатди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСОБАҚА САМАРАСИ

Гулистон районидаги кўп тармоқли «Октябрь» ва Ленин номли колхоз деҳқонлари бир неча йиллардан бери мусобақалашиб ишлашади. Ўтган давр мобайнида бу хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари кенг ривожлантирилди. Хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли йилдан-йилга яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Съездлар йили айниқса «Октябрь»ликлар учун зафарли йил бўлди. Колхоз пахтакорлари районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини адо этдилар. Доимо ютуқлар замирида катта тажриба меҳнат, изланиш жой олган бўлади. Ҳақиқатан ҳам пахтакорлар пешона тери эвазига 2470 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ғўза парвариши даврида мусобақадош колхознинг ўзаро текшириш группаси аъзолари тез-тез хўжалик далаларида бўлишиб, ўзларининг қимматли фикр ва маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам бердилар. Илғор тажрибалар оммалаштирилиб, камчиликлар бирталикда бартараф этилди. Ҳамкорликда қилинган меҳнат кузда ўз самарасини берди. Она-Ватанга пландаги 7430 тонна ўрнига, 8200 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 33,1 центнерни ташкил этди.

Шуниси қувончлики, етиштирилаётган маҳсулот таннархи йилдан йилга арзонлашмоқда. 1979 йили етиштирилган бир центнер пахта таннархи 42 сўмни, 1980 йил 37 сўмни, бултур 35 сўмни ташкил этди.

Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари кенг ривожлантирилмоқда. Хўжалик миллакорлари улкан ғалабани қўлга киритдилар. Колхоз бўйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача 94 кило граммдан кумуш тола олиниб, давлатга пилла сотиш плани 138 процент бажарилди. Шунингдек, давлатга дон сотиш плани 141,6 процентга, маккажўхори дони 151,3 процент, мева 150 процент бажарилди.

— Шу кунларда бор куч ва имкониятларни, — дейди биз билан суҳбатда колхоз раиси Мамазуҳур Номозов, — 1982 йил мўл ҳосилга пухта замин яратишга қаратганмиз. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ўйича махсус отряд ташкил этилган. Мавжуд майдонлар икки ярусли плуглар ёрдамида сифатли ҳайдовдан чиқарилди.

Ленин номли қўшни хўжалик меҳнаткашлари ҳам ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини биринчилар қаторида ошириб адо этган колхозчилар эл хирмонига пландаги 4150 тонна ўрнига 4550 тонналик ҳосил билан улуш қўшдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 85 проценти машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Тошкент технологиясини амалда қўлланганликлари туфайли йиғим-терим мавсумини тез ва соз якунладилар. Илғор бригада бошлиқлари Ҳайитбой Исмоилов, Бойтўра Аҳмедов, Кўпайсин Муҳиддиновлар етакчилик қилаётган бригада аъзолари гектар ҳисобига 35—40 центнердан ҳосил етиштириб, хўжалик хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

— Қўлга киритаётган ютуқларимиз чегара эмас, — дейди колхоз раиси Ҳайдар Исаев. — Ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини каайтириш йўлида қатор резерв ва имкониятларга эгамиз.

Дарҳақиқат ранснинг сўзларида жон бор. 1980 йили гектар бошига ҳосилдорлик 24 центнерни ташкил этган бўлса, бултур ҳосилдорлик 28,5 центнер бўлди. Бу йил ҳосилдорликни 31 центнерга етказиш планлаштирилмоқда.

Бугунги кунда «Октябрь» ва Ленин номли колхоз меҳнат аҳли юксак довонларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар қўлга киритаётган ютуқлар боиси, бу инки хўжалик ўртасида меҳнат беллашуви, яхши қўшничилик алоқалари намунали йўлга қўйилганлигидадир.

К. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Янги — 1982 йил янгиерликлар учун қутлуғ келди. Шаҳар аҳли «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Промгражданстрой» трестининг 104-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчиларидан ажойиб совға олди.

Суратларда: чапда — колоннанинг илғор ғишт терувчиси З. Павлова, сувоқчи-пардозловчиси Н. Илюшенко, монтажчи А. Агапов ва пардозловчилар бригадаси бошлиғи Н. Климова ўртоқлар.

Ўнгдаги суратда эса пойтахтимизда шу трест бунёдкорлари қураётган янги иншоотлардан бири — Кино уйи иншоотини кўриб турибсиз.

Г. Якубов фотолари.



РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

МАРДЛИК МАДҲИ

Улуғ Ватан уруши тугаганига 36 йилдан ошди. Лекин суронли йилларда қўлига қурол олиб, Ватанимиз мустақиллиги, халқ бахт-саодати учун курашган жангчиларимиз жасорати миннатдор совет кишилари хотирасида ҳамон сақланмоқда. Редакциямизга келаётган хатларда шу ҳақда ҳикоя қилинади.

«Бағдод районидаги 26-ўрта мактабнинг тарих ўқитувчиси Носиржон ака Аҳмедов ҳам Москва мудофаасида қатнашган жангчилардан, — деб ёзади М. Аҳмедов. — Унинг жанговар йўлидан бир лавҳани ҳикоя қилмоқчиман.

1941 йил 1 декабрь куни Носиржон ака қуролдоши Валерий билан душман марраларига «тил» олиб келишга жўнатилди. Улар бир немис офицерини қўлида харитаси билан штабга кетаётганда қўлга олишади ва рота командири олдига олиб келишади. «Тил» қимматли маълумотлар беради. Беш кундан сўнг Москва остоналарида душман тўхтатибгина қолинмади, балки бизнинг қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтишади. Дивизия командири И. М. Подберезин В. Иванов ва Н. Аҳмедовга ташаккур эълон қилиб, ҳар иккисига КПСС сафига ўтишга ўзи кафолатнома беради. Москва мудофаасида кўрсатган жасорати учун Носир Аҳмедов III даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди».

Андижонлик Х. Абдураззоқова ўз хатида Қўрғонтепа районидаги Дардоқ қишлоғида яшовчи Абдужалил ака Отабоевнинг жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилган.

Истеъдодли гвардияси капитан Г. Г. Батурин Москва ҳимоясида катнашган генерал И. В. Панфилов раҳбарлигидаги 316-ўқчи дивизия жангчиларининг жасорати тўғрисида тўлқинланиб ёзади.

«Улуғ Ватан уруши йилларида Польша тупроғини немис-фашист боскинчиларидан тозалашда қатнашганман, — деб ёзади 240-миномёт полкининг собиқ командири Халил Набиев. Бизнинг полкимиз полковник Ривжанинг 16-гвардиячи механизациялашган бригадаси ҳужумига мадад берарди. 1945 йил 14 январь куни Кельце шаҳридан 15 километр берида жойлашган Бобжа қишлоғи чегарасига чиқиб олди.

15 январь куни қисмларимиз Кельце шаҳрига бостириб кириб, шаҳарни эгалладилар. Кейин ҳалок бўлган солдат ва офицерларимизни дафн этиш маросими бўлди. Маросимда шу ерлик маҳаллий аҳоли ҳам қатнашди.

Ҳалок бўлган жангчиларимиз қабрига тупроқ тортилаётганда бир поляк 12—13 ёшлардаги ўғлига айтган сўзлари ҳамон эсимда:

— Янка, бу совет жангчилари сенинг бахтинг учун, мен ва бошқалар учун ҳалок бўлишди, сен уларни ҳеч қачон унутмагин!!!»

Қошқадарёлик Аҳмад Ҳасанов Панжи ака Мустафоқуловнинг жасорати ҳақида ёзиб юборган. Днепр бўйларида мислсиз жасорат кўрсатган ўзбекистонлик Сапар Хушназаров, Абдусалим Деҳқонбоев, Тўхтасин Бобоев каби қуролдошлар тўғрисида Херсон шаҳридан Г. Палинский фахр ва ифтихор билан ёзади.

ВЛКСМ Марказий Комитети қарорига мувофиқ бошланган «Улуғ Ватан уруши йилномасини»нинг Бутуниттифоқ қидирув экспедицияси аъзолари редакциямизга йўллаган хатида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

«Ўтган уруш йилларида Украинанинг жанубида оммавий қаҳрамонлик билан тўлиқ қонли жанглар бўлган. Украинани озод қилиш учун бўлган жангларда Ватанимизнинг барча миллат фарзандлари иштирок этдилар. Уларнинг барчаси қаҳрамонлик йилномасида ўчмас из қолдирдилар.

Ўзбекистонда ташкил этилган 69-ўқчи дивизия 4-гвардиячи армия қўшинлари составида Градиженск районида Днепрни кечиб ўтишда зўр жасорат кўрсатди. 213-ўқчи дивизия жангчилари бутун Украинани шиддатли жанглар билан босиб ўтдилар. 389-ўқчи дивизия эса Украинанинг ғарбий областларини душмандан тозалашда мардлик намуналарини кўрсатди.

Ўзбекистонлик Ҳакимов ва уралик Ершов Киевдан ғарброқда 115-отлиқ полкда учрашдилар. Стирь дарёсининг ғарбий қирғоғида йигирма совет жангчиси 193-тепаликни ўз қўлида сақлаб қолиш учун қаттиқ олишдилар. Бу қасосқорларга қарши душман бир ротадан ортиқ пиёда аскари ва бир неча танкини ташлади. Деярли барча жангчиларимиз жароҳатланишган, снарядлар тугаган. Иккала дўст Неъмат Ҳакимов ва Виктор Ершов граналар боғлами билан «тигрлар тагига ташланиб, уларни портлатиб юборганлар. Душманнинг қарши ҳужуми қайтарилди ва тепалик асосий кучларимиз етиб келгунча сақлаб турилди. Стирь дарёси яқинида қад кўтарган ёдгорлик жанговар дўстларнинг ана шу жасоратини эслатиб турибди».

«Биз кўпгина ветеранлар билан хат ёзишиб турибмиз. Бу хатлар ўқувчини йўлчи юлдуз каби уруш йўлларига етаклайди. Музаффар халқимизнинг жанговар руҳи, қаҳрамонлар таржимаи ҳолини мужассамлантиради.

Украина тупроғи учун курашган ветеранлар эҳтимол орамизда кўпдир. Улар бизга ёзишар деган умиддамиз. Ҳалок бўлган жангчиларнинг қариндош-уруғлари хат ёзишсин.

А. ЦИТРОН,
Херсон шаҳри, Крымская кўчаси, 135, 50-мактаб, қидирув группаси».

Улуғ Ватан уруши ветеранлари, қизил изтопарлар Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини қидириб топиш, уларнинг жанговар йўлини ўрганиш соҳасидаги хайрли ишларини давом эттирмоқдалар.

Краснодарлик М. В. Нестеров 50-гвардиячи Темрюк миномёт полки ветеранлар Совети ўз полкдошларини ахтараётганлигини маълум қилади.

Томск область Кожевниково қишлоғининг Титов кўчасидаги 2-уйнинг 11-квартирасида яшовчи Николай Александрович Мотовилов ҳамюртимиз, япон милитаристларига қарши курашда бирга иштирок этган қуролдош дўсти Абдураҳмон Солиевни ахтариб топишда ёрдам кўрсатишимизни сўрайди.

Агар ушбу сатрларга кўзингиз тушгудай бўлса, муҳтарам ўртоқ А. Солиев, сапёрлар қисмида Манчжуриянинг Хунчунь, Дунхуа, Ян-цзи шаҳарларида японлар таслим бўлгунча бирга курашган дўстингизга жавоб беринг.

Редакциямиз почтасига келаётган хатларнинг бир қисмида бугунги кунда совет кишиларнинг тинч меҳнатини, осойишталигини қўлида қурол билан қўриқлаётган, ота ва боболаримизнинг шонли анъаналарини давом эттираётган ўзбекистонлик ўғлонларимизнинг жанговар ҳаёти акс этган. Младший сержант Қ. Лочинов, оддий солдат М. Мирзакмедов, прапорщик В. Мокрий, фарғоналик Орифжон Худойберганов, М. Мирзамаҳмудов, К. Жумабоевнинг хизматда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилишган. Редакциямизга хат йўллаган Г. Эргашхўжаева, Қ. Ражаб, М. Сайдаҳмедов, Х. Сотволдиев, Ф. Султонов, М. Йўлдошев ўртоқларнинг хатларидан ҳам ана шундай маънони ўқийсиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

АПРЕЛЬ ҲИСОБИГА

СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида «Средазтрансстрой» трестига қарашли Хўжайлидаги 7-автоколонна коллективи бултур халқ хўжалик юкларини ташиб бериш планини муддатидан олдин бажарди.

Н. Кўптледов, Л. Пирлепесов, Б. Досумов, Т. Қанотбоев, Т. Сулаймоновлар қозирнинг ўзидаёқ 1982 йил апрель ойи ҳисобига ишламоқдалар.

КЎЧМА ПОЛИКЛИНИКА

Беруний район партия комитети, район ижроия комитети ташаббуси билан колхоз, совхозлардаги, ферма ва йиловлардаги медицина муассасаларида аҳолига янада яхшироқ медицина хизмати кўрсатиш мақсадида кўчма поликлиника ташкил қилинди. Бу поликлиникага беш врач, иккита «Тез ёрдам» машинаси бириктириб қўйилди. Врачлардан С. Отаков, А. Мавлонов, Т. Болтабоев, Б. Мамбетовлар биринчи ёрдам кўрсатиш йўллари, касалликларнинг олдини олиш, юқимли касалликларни йўқотиш каби мавзуларда лекциялар ўқимоқдалар.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИ

Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Хўжайли районлари колхоз ва совхозларидаги замонавий лойиҳаларда бунёд этилаётган уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир.

Бу соҳада «Қарақалпақрисколхозстрой» трести қурувчилари катта ғалабаларга эришдилар. Улар ўтган йили 12 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. 6 минг 600 квадрат метр уй-жой, 1 минг 424 ўринли мактаб, 510 ўринли болалар боғчаси, 250 бемор қабул қила оладиган поликлиника, 120 ўринли касалхона қурилишларини битказиб, фойдаланишга топширдилар.

Чорвачилик объектлари қурилишида ҳам анча ишлар амалга оширилди. 1 минг бош молга мўлжалланган молхона, 12 минг бош парранда сиғадиган товуқхона қурилиши муддатидан илгари бажарилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ХАНОЙ. (ТАСС мухбири). Ўтган 1981 йил — Вьетнам учинчи беш йиллигининг дастлабки йили Вьетнамнинг Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг янги муҳим босқичи бўлди.

Ўтган йилнинг охири мамлакат ҳаётидаги энг катта воқеа билан нишонланди — Совет Иттифоқи кўмагида барпо этилган, йилига 600 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи Бимшон цемент заводининг биринчи навбати ишга тушди.

Совет Иттифоқи ёрдами билан барпо этилаётган бошқа объектлар қурилишида ҳам ишлар муваффақиятли олиб борилмоқда. Булар Қорадарёда барпо этилаётган Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг йирик Хоабинь гидроузели, қуввати 640 минг киловаттга эга бўлган Фалай иссиқлик электростанциясидир. Республика. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ёрдамида қишлоқ хўжалигини ҳам юксалтирмоқда.

Социалистик мамлакатлар Вьетнамга юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашда ҳам катта ёрдам бермоқдалар. Фақат Совет Иттифоқининг ўзидагина сўнгги вақт мобайнида Вьетнам йигит ва қизларидан 13 мингдан ортиқ киши олий маълумотга эга бўлди, минглаб йигит ва қиз СССР, ГДР, Чехословакия ва бошқа қардош мамлакатлардаги техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиқди.

Республика ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти турли формаларига актив равишда қўшилмоқда, тропик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва анъанавий миллий ҳунармандчилик буюмларини қардош мамлакатларнинг бозорига етказиб бермоқда.

ВСР миллий кенгашининг яқинда тамом бўлган сессияси Вьетнамнинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш Вьетнам халқининг социализм қурилиши йўлида муваффақиятли ҳаракат қилишининг муҳим омилидир, деб таъкидлади.

ПЛЕНУМЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА

УЛАН-БАТОР. 3 январь. (ТАСС). Монголия коммунистлари ҳаётида масъулиятли даврлар бошланди. Республикада МХРП аймоқ ва шаҳар комитетларининг пленумлари ўтмоқда. Пленумларда партия ташкилотларининг Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган 3-пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинмоқда.

Коммунистлар янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ишлаб чиқариш коллективларининг 1981 йилда эришган муваффақиятлари тўғрисида принципиал ва қойқат гаплашиб олмоқдалар, камчиликларни танқидий нуқтаи-назардан таҳлил этмоқдалар, уларни бартараф этиш йўлларини белгиламоқдалар. Еттинчи монгол беш йиллигининг иккинчи йили план топшириқларини бажариш ва ошириб бажариш тадбирлари, партиянинг идеология ишини активлаштириш масалалари пленумларнинг диққат марказида турди.

Пленумларнинг қатнашчилари самарадорликни ошириш, бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат коллективларини маъновий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларни партия белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун курашга сафарбар этиш соҳасидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Пленумлар МХРП XVIII съездининг коммунистларининг монгол жамияти ғоявий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги авангардлик ролини кучайтиришга қаратилган қарорларини бажариш белгиси остида иш олиб бормоқда.

МХРП Марказий Комитетининг органи «Унэн» газетаси пленумларнинг ишини кенг ёритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: монгол коммунистлари, республиканинг барча меҳнаткашлари ўзларининг ютуқларини, халқ Монголиясининг барча соҳада қўлга киритган муваффақиятларини ҳақли равишда Совет Иттифоқи, бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан яқин дўстлик самараси деб ҳисобламоқдалар.

АСУП БАЁНОТИ

ДАМАШҚ. 3 январь. (ТАСС). Бу ерда Сурия Араб социалистик уйғониш партияси раҳбарлик органининг партия миллий кенгаши биринчи сессияси ишларини тўғрисидаги баёноти эълон қилинди. Сессия ўтган йилнинг декабрида Сурия пойтахтида бўлган эди.

Сессия қатнашчилари Суриянга қарашли Жўлан тепаликларини қўшиб олиш тўғрисида Тель-Авив қабул қилган қарорни қатъиян қоралядилар. Бу иш, деб таъкидланади баёнотда, Исроилнинг агрессивлиги кучайиб бораётганлигидан далолат беради ҳамда арабларга, жаҳон жамоатчилигига ва халқаро ҳамжамиятга қилинган сўрбетларча даҳлагадир.

Партия миллий кенгаши халқаро аҳволни муҳокама этиб, конфронтацияга, кескинликни кучайтиришга, қуролланиш пойгасини авж олдиришга, «совуқ уруш» замонларини тиклашга олиб борувчи Америка сиёсатининг хатарли характерда эканлигини қайд этди. Вашингтоннинг Яқин Шарқдаги милитаристик тайёргарликлари айниқса кучайиб кетди. АҚШ Яқин Шарқда ўзининг ҳарбий кучларини кенгайтириш ва янги ҳарбий базаларни вужудга келтириш учун жон-жаҳди билан кучғайрат сарфламоқда, суверен давлатларнинг ички ишларига ошкора аралашмоқда, миллий озодлик ҳаракатларига қарши террор қилмоқда. Биринчи навбатда Исроил билан сепарат битимларни барбод этишга қаратилган йўлни ўтказиб келаётган араб мамлакатлари Яқин Шарқда империализмнинг қўпорувчилик ишлари учун нишон бўлиб қолди. АҚШ билан Исроил ўртасида тузилган ва регионда тинчликка хавф солаётган «стратегик ҳамкорлик» тўғрисидаги битим ҳам мана шу мамлакатларга қарши қаратилгандир.

Сессия Ливандаги вазиятни кўриб чиқиб, бу мамлакатда унинг суверенитетини, мустақиллиги, территориал бутунлигини сақлаб қолиш асосида миллий тотувликка эришиш зарурлигини таъкидлади. Миллий кенгаш Сурия билан Фаластин революцияси ўртасида мустаҳкам иттифоқ мавжудлигини ҳисобга олиб, ҳар бир ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ҳаракатлар, ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ҳаракатлар ва

АХБОРОТ

МАДАНИЙ ҚУРИЛИШЛАР

Жанубий Сурхон сув омбори соҳида жойлашган Қумқўрғон район марказининг қиёфаси тобора кўркамлашиб бормоқда. Қисқа муддатларда қурилган уй-жойлар, маъмурий, маданий-оқартув бинолари Қумқўрғон шаҳрининг кўркини янада очди. Якинда бу ерда «Бахт уйи» ҳамда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион фойдаланишга топширилди.

Э. САЙДУЛЛАЕВ.

БОҒЛАР УЧУН КЎЧАТЛАР

Кўчатчилик хўжаликларида масъулиятли мавсум — ниҳолларни реализация қилиш бошланди. Шу кунларда Дўстлик районидаги мевачилик кўчатчилик хўжалигидан манзарали ва мевали дарахт кўчатлари жўнатилаётир. Баҳорги кўчат сотиш пайтида кўплаб хўжаликларга 2 миллион 605 минг туп мевали-манзарали дарахт ва гул кўчатлари етказиб берилган эди. Кузда тайёрланган 3 миллион 330 минг туп кўчат реализация қилинди.

Бу шарафли вазифани бажараётган хўжалик коллективи қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқди.

М. МАМАДАЛИЕВ.

ҚАНАЛГА ҲИССА ҚУШАЕТГАНЛАР

«Ферганаирстрой» трестига қарашли Қўқон қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчилари Жанубий Фарғона каналини қайта қуришда актив қатнашмоқдалар. Д. Иброҳимов, У. Ризаев, С. Ўринов, А. Пирматов, Т. Тиркашев, С. Усмоновлардан иборат бетончилар бригадаси планни ортиғи билан бажарди. Қўқон темир-бетон заводи коллективи бир кунда 250—280 кубометр бетон тайёрламоқда. Канални бетонлашда областнинг Фарғона, Тошлоқ, Ўзбекистон районлари сув хўжаликларидан келган мингга яқин мутахассис фидокорлик намунасини кўрсатиб ишламоқда.

Т. ШОЮСУПОВА.

* * *

Шунингдек, редакцияга Б. Шоҳназаров (Тошкент шаҳри), Қ. Маликов, Т. Сулаймонов, Х. Тўйчиев, А. Шаҳабоев, А. Насриддинов (Наманган), Б. Сангинов, Р. Султонов (Фарғона), Т. Машрабов, Т. Шоюсупова, Қ. Абдураҳмонов (Тошкент области), Т. Қиёмов, Г. Меліев (Самарқанд), Э. Шайдуллаев, С. Тоштемиров, Ю. Корҳовдиев (Сурхондарё), С. Жумабоев, Н. Комилов, М. Кутлиқов (Андижон), Р. Раҳабов (Бухоро) ва бошқа ўртоқлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ЮТУҚЛАР КЎЗГУСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси республикамиз халқ хўжалигида эришилган ютуқларнинг кўзгусидир. 1981 йил мобайнида бу ерга 600 мингдан зиёд киши келиб, экспозицияларни томоша қилди.

«Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини очар эканмиз, кўргазма коллективи номига ёзилган миннатдорчилик сўзлари орасида фақат республикамиз вакилларининг эмас, балки Иттифоқимиз ва хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларнинг имзосини ҳам кўрамиз. Кўргазма Ўзбекистон ССР-нинг халқ хўжалиги барча соҳаларида эришган ютуқларини намойиш этади. 1982 йилда кўргазма коллективи ишларни янада кенг йўлга қўйиш, янги кўргазмалар ташкил этишни мўлжаллаган. Бу ҳақда виставка директори И. А. Азизов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— 1982 йилда кўргазмамиз коллективи томонидан қилинадиган ишлар янада салмоқли бўлади. 1982 йилнинг май ойида СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Ягона оилада» деб номланган экспозициясида иштирок этамиз. «Ўзбекистон ССР» деб номланган бу бўлимда республикамизнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига қўшилган давридан бошлаб то ҳозирга қадар эришган муваффақиятлари намойиш этилади. Бунинг учун барча министрликларга алоқадор экспонатларнинг асл нусҳаси илгаридан тайёрланади. Юбилей экспозициямиз билан таништирувчи «йўл кўрсаткич», реклама ва эълонлар, буклетлар чиқарилади.

Кўргазмамиз матбуот марказининг ходимлари томонидан «Ўзбекистон 60 йил ягона оилада» номли брошюра тайёрланмоқда. Тематик павильонда ҳам «Ўзбекистон ССР 60 йил ягона оилада» номли ва соҳаларааро кўргазма очилади. Фақатгина кўргазмалар билан чекланиб қолмай, ходимларимиз ноябрь-декабрь ойларида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» мусобақаси ғолибларининг слёти, «Экспонатлар стенд олдида» ва «Бир беш йилликда — икки беш йиллик планини бажарамиз» шиори остида мусобақа ғолиблари билан учрашувлар ўтказилади. Экскурсоводларимиз билимини янада чуқурлаштириш учун «СССР 60 йиллигига бағишланган экспозиция бўйлаб» номли экскурсия учун конкурс ўтказилади. Бундан ташқари кўргазманинг 65 гектардан иборат бўлган дам олиш зонасида «СССР халқлари дўстлиги — меҳнатдаги муваффақиятлар гарови» деб номланган ҳашаб ташкил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон халқ хўжалиги турли тармоқларини ўзида акс эттираётган бош павильонимиз ёппасига қайта реконструкция қилинди. Айниқса, жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан очиладиган «Тошкент — республика пойтахти, саноат ва илм маркази, тинчлик ва дўстлик шаҳри» бўлими томошабинларда яхши таассурот қолдиради, деган умиддамиз. Капитал қурилиш павильонида январь ойиданоқ «Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланилган ҳолда халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар тайёрлаш» деб номланган доимий равишда ишловчи бўлимни жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. «Ўзбекистон ССР касаба союзлари съездидан — съездгача», «Фан ишлаб чиқаришга» ва республикамиз ёшларининг илмий-техник ижодига бағишланган кўрик каби 5 та соҳаларааро кўргазма, қишлоқ хўжалигига алоқадор янги машиналар, сабзавот-мева экинлари унумдорлигини ошириш каби 4 та тематик кўргазма ўтказиш мўлжалланмоқда.

Кўчма кўргазмалар ўтказишга ҳам катта эътибор берилади. «Ўсимликларни ҳимоя қилиш биологик методининг ютуқлари ва навбатдаги вазифалари» кўчма кўргазмаси Фарғона областида, «Ўзбекистон рационализатор ва ихтирочилари тежамкорлик учун курашда» кўргазмаси Самарқанд областида, «Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш» кўргазмаси Тошкент областида ўтказилади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги тараққиётини намойиш қилувчи икки кўчма кўргазма Қишлоқ хўжалик министрлиги белгилайдиган иттифоқдош республикаларидан бирида намойиш қилинади.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

УСТОЗ ВА ШОГИРД

— Қизғинам, мен ишчиман
Ғурурим чашма.
Коммунист, ленинчиман
Касб танла, шошма.
Комбинатга ҳар қалай,
Келақол, Гулсум
Ранго-ранг талай
Сайла, ўргилсин.
Мен ҳам пайвандчи
Донгдор меҳнаткаш.
Шогирдликка ўтақол
Урган,
меҳнат-гашт!
Ойнали ниқоб бетда
Чўғ сочиб, қизим,
Темир улаймиз цехда
Буюртма муҳим.
— Хўп!
— Балли!
— Кўнсам-кўнай,
Дарё ихлосим,
Пайвандчи бўлсам-бўлай
Раҳмат, устозим.

ШЎРТАН ГАЗЧИСИ

Шўртан азим,
Битмас газим,
Иқболим Ғазли қиёс.
Ер қаърим ўт,
Кенг бағрим ўт,
Мисоли нўмма қуёш.
Жон-жаҳдимга,
Дов шаҳтимга
Дўзах оташи таслим.
Мен девкорман,
Оловкорман,
Ҳар ишга қодир наслим.
Газдан яйраб
Даштда яшнаб,
Баҳра олар чўлқувар.
Қувур бўйлаб,
Ёниб ўйнаб
Қўрим узоқ йўл юрар.
Лов-лов ёнсин,
Кучга қонсин
Сирдарё нурхонамиз.
Кундуз-у кеч
Учоқми, печь
Ёқсин цех, гулхонамиз
Шўртан азим,
Кондир газим,
Тамом бўлмас аланга.
Қарши даштим,
Олтин гаштим,
Хазинамиз Ватанга.

Ҳамидулло ЕҚУБОВ.

Тошкент чинни заводида кейинги пайтларда янги вазалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу вазалар музей залларини, уйларнинг фойеларини ва маданият саройлари, магазинлар, кафе ва ресторанларни безатишда ишлатилмоқда. Бу манзарали чинни вазалар завод рассомлари томонидан яратилган. Суратда: рассомлардан М. Исломова, М. Ризамуҳамедова, ва Ш. Шарипова.

В. Сироткин фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН РАНГ

Гўзал шток-атиргул Жиззах областининг қўриқ ерларида экиладиган бўлди. Ғалларорол районидаги «Коммунизм» совхозининг деҳқонлари биринчи бўлиб, уни парваришлашга киришдилар.

Хушбўй гулзорлардан олинадиган ҳосил республиканинг нон заводларига жўнатилади. Бу ерда шток-атиргул барглари-дан табиий озуқа ранги ҳосил қилинади ва у кондитерлик маҳсулотларини рангдор қилишда ишлатилади. Гулистон нон заводида шундай ранг ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод коллективи Ўзбекистонда биринчи бўлиб табиий озуқа ранги ҳосил қилди. Кондитерлик корхоналарига 600 килограммдан кўп қимматли маҳсулот юборилди.

Мустаҳкам хом ашё базаси яратилиши билан Жиззах ва Тошкент нон заводлари ҳам ранг ишлаб чиқаришга киришмоқда. Бу республикадаги ҳамма кондитерлик фабрикаларини ранг модда билан таъминлаб туради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника ва биоорганик химия институтининг олимлари Ленинград озиқ-овқат институтининг тадқиқотчилари билан бирга гул барглари ранг порошоги тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар. Улар мармелад, зефир, тўрт ва пирожное, чанқоқ босди ичимликлар тайёрлашда гул барги порошогидан ранг сифатида фойдаланиш борасида тавсиялар бердилар.

(УзТАГ).

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЯШИЛ МАЙДОНДА

Бомбейда жаҳон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Чемпионлик учун кураша биринчи бор иштирок этаётган совет хоккейчилари дастлабки учрашувни Австралия командаси билан ўтказиб (2:3), имкониятни бой беришди. Чемпионат ўйинлари спортнинг яшил майдонда чавгон ўйнатиш тури Осиё мамлакатларида яхши ривожланганлигини кўрсатмоқда. Совет терма командаси навбатдаги учрашувни Англия хоккейчилари билан ўтказиб, ҳисобни 1:1 қилди. Учинчи учрашув эса Москва Олимпиадасининг чемпионлари — Ҳиндистон хоккейчилари билан ўтказилди. Бунда майдон эгалари 7:2 ҳисобида устун келишди. СССР терма командаси составида ўтган йилги мамлакат чемпионатининг бронза медали совриндори — «Андижанец» командасининг дарвозабони Александр Домашев ҳам бор.

ВОЛЕЙБОЛ:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Москва ва Ленинградда аёллар командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки тур ўйинлари якунланди. Ўн икки команда мавқеини мустаҳкамлаб, кучли олти коллектив сафида бўлишга ҳаракат қилди. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси учрашуваларни Москвада ўтказиб, беш имкониятдан уч очко тўплади. Вакилларимиз ҳозир олтинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Автомобилист»нинг ана шу мавқеини сақлаб, фахрли ўринлар учун курашувчи кучлилар сафидан жой олишлиги иккинчи тур ўйинларига боғлиқ. Биринчи тур ўйинларидан кейин командалар қуйидагича ўрин олишди:

	Ю	М	Т	О
ЦСКА	4	1	13-4	4
Динамо	4	1	12-5	4
Уралочка	4	1	14-8	4
ТТУ	4	1	13-8	4
Медин	4	1	13-10	4
Автомобилист	3	2	10-8	3
Аврора	3	2	9-10	3
Искра	2	3	11-12	2
Сокол	1	4	9-12	1
Орбита	1	4	8-14	1
Искра Б	0	5	8-15	0
МОПИ	0	5	1-15	0

Турмуш чорраҳаларида

МЕҲРИ ДАРЁ

...Тожи онани илк таниган кезларим иккинчи синфда ўқир эдим. Синфдош дугонам билан бир-биримизникига бориб-келиб юрамиз. Унинг онаси шундай меҳрибон, раҳмдил, очиқ кўнгил аёл эдики, синфдошлар ҳаммамиз уни ўз онамиздек кўрардик.

Аммо у пайтлар ҳеч қайсимиз дугонамиз Инобатнинг асранди қиз эканлигини билмас эдик. Орадан йиллар ўтиб, балоғат ёшига етгачгина бундан хабар топдик.

Воқеа бундай бўлган экан. Тожинисонинг қадрдон дугонаси қаттиқ оғриб қолиб, дунёдан кўз юмиш арафасида олти ойлик норасида ғўдагини тарбия қилишни дугонасига васият қилибди. Шу-шу Инобат Тожи онанинг қарамоғида қолибди. Тожинисо ғўдакни оқ ювиб, оқ тарайди, онасидан айрилиб бўзлаб қолган яна икки фарзандга оналик қилишни зиммасига олиб, оила қуради. Бир фарзанди уч бўлган аёл шу болаларни тарбиялаш, ўқитиш, оёққа қўйишга ўзлигини бахшида этди ва болалар келтирган яхши ва аъло баҳолардан ҳаёт шодликларини топди. Кейин ўзи ҳам бир ўғил ва икки қиз кўрди. Энди оилада олти фарзанд воя-га ета бошлади. Улуғ Ватан уруши кетаётган оғир йиллар эди. Оилага яна бир фарзанд — Анвар қўшилди. Етим қолган ўғилчани Тожи она ўзининг иссиқ бағрига олган эди. Катта фарзандлар — Исроил, Инобат ва Қумрилар кичик болалар—Қобил, Қундуз, Муҳаррам ва Анварга меҳрибонлик кўрсатишарди. Қуш уясида кўрганини қилар эканда. Уч ота-онадан бунёд бўлган фарзандлар бир ота-онанинг болаларидек иноқ эдилар.

Оқшом чўкканда Тожи она бир уй, бир даҳлизга қатор қилиб ўн-ўн беш жонга жой соларди.

— Тор жойга томоша қилиб сизга нима зарил! — дегучи эди шундай пайтларда қўшни аёллар. — Сичқон сиғмас уйига, ғалвир боғлар думига... Энди бу жиянларингизга пишириб қўйибдими бу ерда. Яна уялмай-нетмай ўртоғини бошлаб келганига ўлаймми...

— Қўйинг бу гапларни, тагин Меливойнинг қулоғига етиб қолмасин. Хафа бўлади. Қадамини узиб кетади-я. Тунги смена-дан кейин Хадрадан Дўмбирободга пиёда етиб бўладими шу совуқда. Иссиқ нонинг бўлмасаям, иссиқ сўзинг бўлсин, дейишади. Эртамас индин ўтади-кетади бу кунлар. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетамиз... — дерди шундай кезларда Тожи она.

«Бу кунлар ўтади-кетади», «Кўрмагандай бўлиб кетамиз...» Тожи онанинг сабр ва қаноат билан айтган бу сўзлари тез-тез ёдимга тушади. Ўз фарзандларини тўйдира олмай, бир бурда нонни неча ўлчаб бир кесган кезлари ўз улушини эшикдан кириб келган бир кимсага илинган Тожи онанинг қаноатини эслатганимда неча-неча бор таҳсинлар ўқиганман унинг оқибатига, унинг бардошига.

Қора қозонни қайнатиш қанчалар амри маҳол кезлар. Бир қошиқ мой билан бунёд бўлган атала бу хонадонда неча-неча насибахўрга етар эди.

Тожи онанинг фарзандларига қилган ўгитлари ҳалиҳануз шундоққина қулоғим тагида эшитилиб тургандай:

— Тил суяксиз деб, оғзингга келганини гапиравермагин, болажон! Аввал ўйла, кейин сўйла, деб бежиз айтишмаган.

Она ҳар сўзида бир мақолни ўртага ташлади: «Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор», «Ошнинг таъми туз билан, одамнинг таъми сўз билан». Мисол келтирилган мақоллар-нинг кўпи сийлаб, сийпаб сўзлаш ҳақида бўларди. Тожи онанинг ўзлари ҳам доимо суйиб, эркалаб, сийпалаб сўзлардилар. Унинг ҳамма фарзандлари ҳам ширинсуҳан бўлиб ўсишгани шундандир балки?

Бирон кичик юмушга қўл уриб, кўмаклашгудек бўлсак, Тожи онамиз ўзида йўқ қувониб кетардилар: «Онагинанг ўргилсин-а, шу эканда қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганлари...» Бу мақтовлар, бундай олқишлардан кейин болаларнинг ўйнаб-яйраб ишлаганларини кўрсангиз... Очин-тўқин, кўпинча юпун яшардилар-у, лекин бу оилада бирон кимсанинг қолганини эшитмабман. Аканинг либоси укага, опанинг кўйлаги сингилга, бирининг дарслиги иккинчисига, хатто учинчисига ҳам тегарди. Лекин ҳеч кимса мен янги киймадим ёки мен эски китобни тутдим, деб нолимасди. Буларнинг барчаси Тожи онанинг тарбияси туфайли эди.

Яхшидан боғ қолар, деганлари шу эмасмикин?!

Тожи она парваришлаган ниҳоллар энди катта бир боғ бўлиб етишган, ҳосилга кирган эди: ўғиллар уйланиб, қизлар узатилиб, қатор-қатор неваралар хонадонни қайта бошдан обод қилган эди. Ойнинг қоронги ўн беши ортда қолиб, ёруғ кунларга етилган, давлат томонидан берилган оқ уй олабарғақка кўчиб ўтган ўғли Қобилжон оиласида Тожи онанинг егани олдида, емагани орқасида...

— Тожи она вафот этибдилар...

Бу хабарни эшитиб юрагим алғов-далғов бўлиб кетди. Бетобликларини эшитган эдим, бориб кўриб келмоқ-ка неча марта шайланган бўлсам ҳам ҳоли вақт тополмай, ҳар гал пайсалга солиб келардим. Лекин ҳеч қачон бундай бирдан дийдорларига тўймай жудо бўлиб қолармиз, деб ўйламаган эканмиз.

* * *

Тожи она уч фарзанд кўрган эдилар. Аммо шу куни онани охирги манзилга кузатгани келган фарзандлари бир кўча эди.

— Қобилжонни ёлғиз ўғил деб юрардик. Тожи онанинг ўғиллари кўп экан, — дейишди қўшнилар.

Ҳақиқатан, тўй кийиб, бел боғлаб турган ўғиллар, неваралар қатор ўсган қайроғочлардек саф тортган эдилар.

Шу дақиқа мен Тожи она руҳи олдида бош эгиб турарканман, ўйлайман. Нега шундай? Нега биз баъзан яқинларни тириклигида етарли эъзозламаймиз. Нега энди шу ўйларимизни улар ҳаёт вақтида айтиб кўнглини шод этмаймиз? Нега?

Ҳолида АХРОРОВА.

Георгий Александрович ЛОГВИНЕНКО

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат арбитражи бош арбитри Георгий Александрович Логвиненко узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1982 йил 3 январда вафот этди.

Г. А. Логвиненко 1925 йил 2 апрелда Харьков шаҳрида туғилди. 1942—1946 йилларда Совет Армиясида хизмат қилди, Улуғ Ватан урушида актив қатнашди.

Тошкент юридик институтини 1952 йилда битиргандан сўнг Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигида катта маслаҳатчи, Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судьяси, юридик консультация маслаҳатчиси, Тошкент область суди аъзоси, Тошкент область адвокатлар коллегияси президиуми раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Г. А. Логвиненко 1971 йилдан буён Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат арбитражининг бош арбитри эди. У меҳнатсеварлиги, ташкилотчилик қобилияти, кишиларга меҳрибонлиги, принципиаллиги ва қоғат камтарлиги билан ажралиб турарди.

Ватан олдидаги хизматлари учун Г. А. Логвиненко «Ҳурмат Белгиси» ордени, кўпгина медаллар билан мукофотланган, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилган эди.

Толмас меҳнаткаш ва ажойиб коммунист инсон Георгий Александрович Логвиненко хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Фильм-спектакль. 12.10 — Фильм-концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Уфқ. 17.15 — Концерт. 17.50— Павел аралашяпти. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 18.45 — Жасорат. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Ўн уч. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Русская зима. Концерт. 23.30 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — Пристань нариги қирғоқда. Бадиий фильм. 10.40 — Золушка. 11.10 —Мультфильмлар. 11.55 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 12.25 — Фильм-концерт. 13.05 — Қизил шапочка ҳақида. Бадиий фильм. 2-серия. 14.15 — Концерт. 14.50 — Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 15.35 — Д. Шостаковичнинг опера театри. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.15 — Қишлоқ янгиликлари. 20.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.30 — Илмий-оммабоп фильмлар. 20.55 — Африка, 1981 йил. 21.30 — Времл. 22.00 — Мақсад. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мультфильм. 11.55 — Фильм-концерт. 17.20 — Пионерлар уйида. 17.50 — Ёшлик ороли. Бадиий фильм. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — Миллионлар ленинча университети 19.00 — Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 19.30 Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Ўлик мавсум. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Ўқитувчи экрани. 18.50 — Реклама. 19.00 Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Немис тили. 20.50 — Инсон ва замон. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Мақомлардан парчалар. 9.35 —Республика композиторларининг вокал сюиталари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 16.00 — Абадият. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Республикада хизмат кўрсатган артист М. Жалилов куйлайди. 21.00 — Ҳаёт қаҳрамонлари. 21.20 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.15 — Тинглаб, дам оламиз.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ
161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчилар, кондитерлар, новвойлар, холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи слесарлар.

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун — 1 йил; 8 йиллик маълумотлилар учун — 2 йил.

8-синф маълумоти бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади.

Ўрта маълумоти бўлганларга 30 сўм стипендия берилади. Меҳнат практикаси вақтида ишлаган иш ҳақининг 33 процанти берилади.

Билим юртини интиёзли диплом билан битирганлар ўрта махсус ўқув юртларига юборилади.

Узоқдан келганларга замонавий жиҳозланган ётоқхона берилади.

Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секциялари ва кечки мактаблар бор. Билим юртини битирганларга танланган мутахассисликлари бўйича 3—4 разряд берилади ҳамда улар республикамизнинг озиқ-овқат корхоналарида ишлайдилар.

Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича 6 ойлик курсларга ўқишга қабул қилинадилар: холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи механиклар (слесарлар).

Ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма); 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар. Куйбишев район, Гёте кўчаси, 52-уй («Вокзал—ТТЗ», «Қорасув-1 — Олой бозори» маршрутидаги автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/I да Кузнинг биринчи куни (12.00). Оқ таклилар (16.00), 6/I да Келинлар қўзғолони (12.00). Оқ таклилар (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/I да Олифта, 7/I да Тўйдан олдин томоша.

●

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: рус тили, ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш;

доцентлар: биринчи педиатрия факультетининг госпиталь терапияси, биология, нормал анатомия,

ассистентлар: умумий хирургия, акушерлик ва гинекология, иккинчи педиатрия факультетининг факультет хирургияси (2 ўрин), иккинчи педиатрия факультетининг болалар касаллиги пропедевтикаси, ҳарбий-дала хирургияси, тери-таносил касаллиги, топографик анатомия оператив хирургия билан, биокимия;

ўқитувчилар: жисмоний тарбия, рус тили (2), КПСС тарихи, сиёсий иқтисод;

марказий илмий-тадқиқот лабораторияси мудири.

Конкурс муддати — 30 кун. варгача.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, К-140, Чермет кўчаси, 103-уй.

Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
патент-лицензияли ишлар группасининг раҳбари ва катта патентшуноси
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиқиши кунидан бошлаб бир ой. 24-96-28, 24-97-30, 44-50-77 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раҳбарлиги, касаба союз маҳаллий комитети ва аппарат коллективи Президиумининг ходими М. Ҳ. Раҳимовага отаси

Мирзаҳидой АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар ва ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги қошидаги «Узгипросвязь» институтининг коллективи шу институт бош технологи М. Ф. Раҳматуллаевга онаси

Ҳожиниса МИРРАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва Тошкент молия техникуми коллективлари шу техникум директори Ш. Н. Насриддиновга онаси

Ибодат ШОРАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-53-17, 32-54-28, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-03-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01704. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 3. 10